Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 5 май, чоршанба

№ 81. (21.432).

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ:

НИЯТ—ҲАМКОРЛИК ПОЙДЕВОРИНИ ҚЎЙИШ



СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Германиянинг дунёга машҳур «Мерседес-Бенц» фирмаси вакиллари билан суҳбати пайти.

М. ПЕНСОН олган сурат.

Президент Ислом Каримов Ватанимиз истиқлолга эришиб, мустақиллик шароитида бир ярим йил яшаб кўрганимиздан кейин Германия сафарини ихтиёр этди. Сафар сал олдинроқ бўлиши керак эди, биз кечикдик. Марказий Осиёдаги бошқа юртбошилар аллақачон Европаю Американи кезиб чиқишди, деб ўксинадиган биродарларимиз ҳам йўқ эмас. Уларга берадиган юпанчимиз шуки, Европа дегани текинга ширинкулча улашадиган жой эмаски, ошиғич борилса. Сиёсатчи ўз юртидаги ишларини саранжом-саришта этиб, ана ундан кейин ўзга юртларга ўтгани тузук.

Хуллас, И. Каримовнинг сафари ўз мавридида бўлди — олдин ҳам, кеч ҳам эмас.

Бир ярим йил шундай муддатки, бу орада жиддий сиёсатчи ўз йўлини аниқ-таъриф-тавсиф этишга улгурса бўлади. И. Каримов шундай қилди: нафақат ўз юртида, балки хорижда ҳам маълум нуфуз орттирди.

Албатта, Президентнинг бугунги нуфузи осонликча қўлга киргани йўқ. Жуда жиддий синовлар рўй берди. Уларни атай санамаймиз, сабабки, ҳар бири бизнинг ҳам бошимиздан ўтган — юртбоши кўрган савдоларни юрти кўрмасдан қолмайди.

Президент И. Каримов, бошқа айрим сиёсатчилардан фарқли ўлароқ, дастлабки кезлардан бошлаб, дабдабали баёнотлардан ўзини тийди. Тартибни қаттиқроқ тутди ва бунинг эвазига яқинроқ Ғарб ва узоқроқ Ғарбда танқидга учради. Агар эслаб кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон хусусида айтилган бўхтонларнинг мазмуни битта эди, яъники, бу ерда бирорта ҳам ўзгариш йўқ, аҳвол эскича, ҳатто ундан ҳам ёмонроқ. «Неокоммунизм», «диктатура» ва ҳоказо учирма иборалари кўп эшитдик, чидадик ва ҳатто ўрганиб ҳам қолдик.

Натижа нима бўлди? Тан олиш керак, натижа И. Каримов кутгандай бўлди. Жамият парчаланиб кетмади, қўллар ишдан безмади, қон тўкилмади. Маишатимиз, турган гапки, анча танглашди, аммо ижтимоий танглик туғилмади. Аксинча, йўқолай-йўқолай деб турган умид яна кучга кира бошлади: истеъмол моллари чиқариш ўнгланди, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида юксалиш аломатлари пайдо бўлди...

Ҳозир ўйлаб кўрсангиз, И. Каримовнинг яқин ўтмишдаги қатағон йилларида турли молиявий ва иқтисодий идораларда ишлаб, кўздан панароқда юргани ҳам тузук бўлган экан. Шукр этса арзийдиган яна бир нарса шуки, иқтисодчи И. Каримов сиёсатда ҳам уста бўлиб чиқди. Ҳар ҳолда, «қайта қуриш» жараёни «қайта ҳуришга» айланиб, ит эгасини танимай қолган кезларда ҳам, ўзини йўқотиб қўймади, аксинча жамиятни ижтимоий тоифаю табақаларнинг ўзаро тўқнашувидан асрашга улгурди. Энг муҳими, у идора тизимини сақлай билди, ҳар бир вилоятга биттадан бошлиқ тайинлади, республикага ҳам бир ўзи бошчилик қилди. Идора услубини марказлаштиришда айбловлар ҳам кўп бўлди. Аммо, вақт шуни кўрсатдики, айни жамиятда ва айни замону, айни шароитда бундан бошқа усуллар тузукроқ самара беролмас экан.

И. Каримовнинг яна бир ютуғи шуки, у қардош Тожикистонда қонли фожиа рўй берган кезларда, бошқа айрим сиёсатчилар туяқуш каби қумга калла тиқиб олган замонда, ўзаро хавфсизлик шартномасини имзолаган давлат бошлиқларига ўз фикрини уқтира билди. Дуч келган лаҳзада қўшни мамлакатларга ўтиши мумкин бўлган оловга сув сепилди.

Ислом Каримов ақидапарастлик хавфи хусусида жуда кўп гапирган эди. Шу қадар кўп гапирган эдики, айрим мухолифлари азбаройи мункирлик жазавасида «бу хавф мутлақо йўқ, уни Каримов ўзи ўйлаб топган ва атай бўрттириб кўрсатяпти», дейиш даражасига бориб етдилар.

Вақт ва тажриба шуни кўрсатдики, И. Каримов бу борада ҳам ҳақ экан ва худди шу нарса Каримовнинг халқаро нуфузига яна нуфуз қўшгани бугунги кунда яққол кўриняпти.

Ўтган бир ярим йил мобайнида И. Каримов, Швейцария ва Австрияни истисно этсак, кўпроқ Осиё мамлакатларини зиёрат қилди. Аммо у Ғарб мамлакатларини, уларнинг эҳтимолий ҳаракатларини бирор дақиқа ҳам унутгани йўқ. Ғарб мамлакатлари билан мулоқоти кўпроқ иқтисодчилар, тижоратчилар, ҳуллас, иш одамлари орқали бўлди. Умуман, эътибор қилган бўлсангиз, Президент Каримов хорижий давлатлардан бевосита ёрдам сўрашдан қочади, асосан хусусий шахслар, хусусий фирмалар ва хусусий банклар билан муомала қилиш тарафдори. Яъники, у ўз юртини хорижий давлатларнинг иқтисодий тазйиқига тушиб қолишдан асрайди. Биладики, иқтисодий тазйиқ дуч келган лаҳзада сиёсий тазйиққа айланиб кетиши ҳеч гап эмас...

Энг қийин пайтларда ҳам ташқи сиёсат бобида обрў сақлаб тургани И. Каримовга жуда қўл келяпти. Қарабсизки, эски замонда уни ҳушламаган сиёсатчилар ҳам бугунга келиб ҳисоблашишга ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга рағбат кўрсатяптилар.

(Давоми иккинчи бетда).



ҚИЗЛАР АТЛАС КИЙГАНДА...

«Қизлар атлас кийибдир, атлас табаррук» деганда хассос шоир Хайриддин Салоҳ минг бора ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам, атлас деганда ўзбек аёллари, қиз-жувонлари кўз олдингизга келади. Зеро, қадим-қадимдан қизларимиз энг яхши кунларда атлас либос киядилар. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик азиз меҳмонларни ҳам атлас кийган қизлар кутиб оладилар.

Ҳа, атлас қадимдан қолган мато. Уни халқ ҳунармандлари яратган. Марғилон, Наманган, Шаҳрихон атласларининг довруғи эса оламга таралган. Ҳозир ҳам шундай. Эндиликда Шаҳрихондаги атлас фабрикасида саноат усулида кўплаб маҳсулот тайёрланаётир. Жамоадагилар астойдил меҳнат қилиб, дўконларга тўхтовсиз равишда газлама етказиб бераётир. Корхона маҳсулотлари фақат республикамиздагина эмас балки ҳамдўстлик мамлакатларида, ҳатто чет элларда ҳам машҳур.

Бу йил корхонада уч миллион метрдан зиёд табиий ипак газлама ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шу боис ҳар бир ишчи кучидан, ҳар бир дастгоҳдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинаётир. Ҳозирги пайтда корхонада уч мингдан зиёд киши ишламоқда. Шаҳар атрофидаги хўжаликларда корхонанинг тўртта филнали ишга туширилгани кўпчиликка маъқул келди. Ана шу филиалларда 200 кишини қўшимча иш билан таъминлаш имконияти вужудга келди.

Корхонада бозор иқтисодиёти шароитида одамларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Корхона даромадининг каттагина қисми шу мақсадда сарф қилинмоқда. Айни пайтда 150 кишн шахсий уй-жой қуриш учун ер участкаси олди. Муҳтож одамларга эса беминнат қарз берилди. Фабрика қошида болалар боғчаси, нккита медицина пункти, арзон овқатлар сотиладиган ошхона ишлаб турибди.

Бундай ғамхўрликлардан миннатдор бўлаётган корхона ишчилари режаларини ортиғи билан бажармоқдалар. Айниқса мастерлардан Собиржон Исмонов, Забидахон Ҳожиматова, тўқувчилардан Азизахон Аҳмаджонова, Мўътабар Комилова, Манзура Усмонова, Муҳаббат Бурҳоновалар кўпчиликка ўрнак бўлишаётир.

Сиз суратда кўриб турганингиз Ҳалима Мадаминова ҳам пешқадам тўқувчилардан. Мана ўн беш йилдирки, у илғорликни қўлдан бермай келаётир. Юксак малакаси ва тажрибаси учун у маҳсулот сифатини назорат қилиш гуруҳига аъзо қилиб сайланган.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИЖОДКОР ЁШЛАРНИНГ «ИСТЕЪДОД» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ватанимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини мустаҳкамлаш, бойитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилишни замон талаблари даражасига етказиш мақсадида:

1. Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармаси тузилсин. Жамғарманинг асосий вазифалари этиб:

— мавжуд таълим-тарбия тизимларида махсус ўқув дастурларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

— жойларда иқтидорли ёшларни турли мақбул шаклларда синов, танлов-кўриклар воситаларида аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

— халқ ижодиёти ва амалий санъат турларини ривожлантиришда фаол қатнашиш;

— иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ва камол топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

— ёш ижодкорлар асарларини нашри, намойиши ва кенг тарғиб этишда ҳомийлик қилиш кабилар белгилансин.

2. Жамғарманинг молиявий, моддий-техникавий негизини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 250 миллион сўм пул ажратилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва барча вилоят ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар мазкур жамғарма фаолиятини маънавий ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тегишли вазирликлар, ташкилотлар ва ижодий уюшмалар билан келишган ҳолда бир ой муддат ичида мазкур фармонни рўёбга чиқаришни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 4 май.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ИШОНЧ ВА ЭЪТИҚОД БОРЕРДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамиз Президенти фармонларини бажаришда партия ташкилотлари нималарга эътибор бермоқда!

Ҳозирги мураккаб шароитда қийинчиликларни енгиб ўтиш, одамларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун Хива район партия кенгаши ўз ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда дадил ҳаракат қилмоқда. Жумладан, район партия кенгаши иш услубининг янгиянги шаклларини жорий этишда изланувчанлик йўлидан бораётир. Янгилик шундан иборатки, район ташкилоти вилоят партия кенгаши қарорларини рўёбга чиқариш мақсадида бошланғич партия ташкилотлар билан корхоналар ҳамда жамоа хўжаликлар ўртасида ҳамкорлик шартномасини тузди. Натижада, бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари олдидаги нуфузи, обрў-эътибори ошиб бормоқда. Одамлар биринчи навбатда партия ташкилотларининг оддий меҳнаткаш инсонга, қолаверса биринчи навбатда кам даромадли серфарзанд оилалар, етим-есирлар ва ўзгалар кўмагига муҳтож фуқароларга чинакам ғамхўр, оғир дамларда, ишончли мададкор эканлигига ишонадиган бўлиб қолдилар. Шунинг учун ҳам бу ерда одамлар партияга, унинг район кенгашига ишонч-эътиқоди, ҳурмати ошиб бормоқда. Кишилар ўзларини қийнаётган муаммоларни ечишда ёрдам сўраб, холис ният билан партия кенгаши, унинг жойлардаги бошланғич ҳудудий ташкилотларига мурожаат қилмоқдалар.

Бугунги кунда район ташкилоти таркибида биргина ишлаб чиқариш тури бўйича 45 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар уюшган партия аъзоларининг сони 1949 нафарга етди. Бу албатта, ишлаб чиқаришда, катта куч.

Аҳолини иш билан таъминлашда ХДП аъзоси, халқ депутати И. Аҳмедов раҳбарлик қилаётган Хива гиламчилик комбинати, Ш. Аҳмедов бош бўлган сопол буюмлари заводи, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, тадбиркор Ш. Нурматов бошқараёган «Сўғдиёна» хусусий корхонаси катта ишларни амалга оширдилар. Жумладан, республикада тайёрланаётган гиламларнинг 30 фоиздан ортиғини ишлаб чиқараётган Хива комбинатида ўтган йили фирма магазин, бу йил эса чиқиндилардан қўлда гилам тўқиш цехи, профилакторий, ҳамда боғ ташкил этилиб, 900 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

Шунингдек, сопол буюмлар заводида ҳам бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан янги цех ишга туширилиб юз нафар ишчи ўрини ташкил этилди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида кейинги пайтда 900 кишини фойдали меҳнат билан банд этган 14 та кичик ва хусусий корхона фаолият кўрсата бошлади.

Районда меҳнат ресурларининг ўсиб бораётгани туфайли 2 минг ишчи ўрни очиш лозимлигини тақазо этмоқда. Демак, район партия кенгаши олдида янги иш ўринларини очиш билан боғлиқ вазифа турибди.

«Ҳозирги мураккаб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида республикамиз Президенти ва ҳукумат чиқарган қарорларни бажариш учун қайси ташкилот кўпроқ ҳаракат қилаяпти?» деган саволга фуқароларнинг аксарият қисми «Ўзбекистон ХДП ташкилоти» дея жавоб берди.

— Бу баҳо албатта, хотиржамликка берилишга асос бўлмаслиги керак, — дейди район партия кенгашининг биринчи котиби Машариф Бекжонов биз билан суҳбатда. — Ўз ижодий фаолиятидан қониқмаслик яхши фазилат. Шундай экан, сиёсий-мафкуравий фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, эл олдида партия нуфузини яна ҳам ошириш йўлида тинмай изланишимиз керак.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁЗУВЧИЛАР ҲИСОБ БЕРДИЛАР

Тошкент Давлат дорилфунуни катта илмий кенгаши Президентимизнинг ёзувчилар билан учрашувига бағишланди.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ёркин, самимий нутқи ғоят катта таассурот қолдирди, — дейди дорилфунун ректори, академик Т. Жўраев, — жамоамизнинг Озод Шарофиддинов, Бегали Қосимов каби профессорлари бу учрашувда қатнашдилар. Президентимиз ҳамманинг тилида, дилида турган гапларни айтди. Муаммолар, режаларни аниқ баён қилиб бердилар. Бизнинг вазифамиз — мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, ишга масъулият билан ёндашиш, талабаларга чуқур билим бериш, уларни онгли, эътиқодли, фидойи қилиб тарбиялашдан иборатдир.

— Тўрт соатча давом этган учрашувда кўпчилик сўзга чиқди. Гап асосан мустақиллигимиз ва у билан боғлиқ муаммолар устида борди, — деди Б. Қосимов — Мустақиллик инъом этилмайди. У қўлга киритилади. Бизга ноёб, эҳтимол мингдан бир имконият берилганди. Бундан фойдаланиб халқимиз улуғ неъматни қўлга киритди. Чор Россияси даврида, кейинги 70 йил давомида биздаги Ватан туйғуси, миллий руҳни ўтмаслаштириб, тарихни сохталаштириб келишганди. Халқни билим, маърифатга чорловчи жадидларни реакционга, миллий озодлик ҳаракатига бош қўшганларни босмачига чиқаришди. Энди тарихимизни батамом қайтадан ёзиш бизнинг авлод зиммасига тушмоқда. Бу ишни шараф билан уддалашимиз керак.

Мажлис аҳли мамлакатимиз Президенти И. Каримов номига Мурожаат қабул қилди.

С. УМИРОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика кулиёти декани.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси эртага, 6 май куни, соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 5 май куни эрта билан соат 9 дан 18 га қадар, эртага 6 май куни, эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун, 5 май куни соат 17.30 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

НИЯТ — ҲАМКОРЛИК ПОЙДЕВОРИНИ ҚЎЙИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сиёсат бобида ўта мағрур кўрингани билан, Президент И. Каримов чет эллик тадбиркорларга, банк эгаларига, ҳуллас биз билан шериклик эвазига фойда орттирмоқчи бўлган шахсларга лутф қила билади. Турган гапки, ўша манфаатдор шахсларнинг ҳам ўз юртларида тузуккина нуфузи бор, улар лозим бўлган тақдирда давлат бошлиқларининг фикрларини биз тарафга ўнглашга ҳам қодир.

И. Каримов йўл ҳақида кўп гапиради. Иқтисодий шакл ва йўллар ўз йўлига (сўз ўйини ихтиёримиздан ғайри бўлди, узр сўраймиз), аммо, агар диққат қилсангиз, Президент қайси шарқий мамлакатларга бормасин, бутун Осиёни Марказий Осиё билан, Осиёни Европа билан боғлайдиган расмана йўллар хусусида орзу қилади, режа тузади, маъқуллатиб олади.

Шимолга чиқадиган йўлларимиз омонат экани ҳақида қайғуриши ҳам бежиз эмас. Яхши ният — ярим давлат. Шимолий йўллар доим очиқ қолсин, дея ният қилайлиг-у, аммо жанубга ва шарққа йўл очишни тезлатайлик, деб айтади Президент.

Ўзбекистонда денгиз йўқ, қуруқлик ўртасида қамалиб қолганмиз, деб ташвиш чекади у. Аммо тушкунликка тушмайди, ҳаво орқали йўл очади, келажакда очилажак халқаро қуруқлик йўлларида юрадиган зўр машиналар харид қилади.

Эҳтимол, биз Президентнинг яширин орзусини ошкор этиб қўярмиз, аммо, бизнинг назаримизда, Каримов Ўзбекистонни қудратли автомобиль давлатига айлантириш фикридан ҳоли эмас. Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан шерикликда завод қурилаётгани, «Мерседес-Бенц» билан олиб борилаётган музокаралар ҳам шундан дарак беради. Дарвоқе, Ўзбекистон яқиндагина 200 дона энг кучли юк машиналари сотиб олди. Германиянинг Вёрт шаҳрида ҳудди шундай машиналарда йўлга чиқаётган беш нафар йигитимизга Президентнинг ўзи оқ фотиҳа берди. Германияда бўлган суҳбатларда гоҳ яна 100 та юк машинаси, гоҳ яна 100 та катта ва қулай автобуслар ҳақида сўз кетди. Қулоққа ёқадигани шу бўлдики, «Мерседес-Бенц» фирмаси шу йилнинг ўзида ўзбек заминида 100 дона юк машинаси йиғмоқчи. Янаги йили бу рақам 500 га етади. У ёғини тасаввур этиш қийин эмас...

Шу жойда орзулар осмонидан немислар ерига тушиш мавриди етишди. Германия сафари беш кун давом этди. Беш кун мобайнида жуда кўп учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар бўлди. Улар орасида Президентимизнинг Германия мамлакати Президенти Рихард Фон Вайцзеккер ва мамлакат канцлери Хелмут Коль билан учрашуви ва ҳоли суҳбатлари алоҳида ўрин тутади. Гарчи учрашувлар ёпиқ эшиклар ортида ўтган бўлса-да, айрим тафсилотлар ташқарига чиқиб улгурди. Шу нарса маълум бўлдики, Хелмут Коль Ислом Каримов шахси ва сиёсати хусусида аниқ бир тасаввур пайдо этиб, ўзаро мулоқотларни шахсий тартибда ҳам давом эттиришни таклиф этган. Президентимизнинг, Ўзбекистонга келинг, деган таклифи ҳам мамнуният билан қабул этилган.

Олий даражадаги учрашувларнинг барча тафсилотларини айтиш ва таҳлил этиш шарт эмас. Муҳими — немислар юртида Ўзбекистон вакилларига кўрсатилган эҳтиром. Кафиллик берамизки, барча учрашувлар ва суҳбатлар жуда самимий ўтди. Ёлғон мулозаматлар, ёлғон табассумлар бўлгани йўқ. Вакилларимиз Бонн билан ҳисобланганда Германиянинг бешта заминида бўлдилар. Пойтахтда ҳам, Штутгарт ёки Вёрт шаҳарларида ҳам, Саарландда ҳам, Берлин ва Бранденбург заминида ҳам бирдай иззат кўрдилар. Раҳбаримиз муваффақиятини мақтасак сал ярашмас, аммо сўзни Берлин шаҳрининг бургомистри жаноб Эберхард Дипген лафзидан эшитсак зиён қилмайди. «Президент жаноби олийлари бизга пухта ўйлайдиган, аниқ фикрлайдиган ва амалий иш кўрадиган сиёсатчи сифатида жуда маъқул бўлди», деди у қабул маросимида. Бу гап шунчаки ширин лутф эмасди. Негаки, бошқа заминларнинг раҳбарлари ҳам худди шундай фикрни изҳор этдилар. Уларни ўзаро тил бириктириб олишган, деб гумон қилиш уят бўлади.

Хўш, Пезидент Каримов Германияга қайси илтимослар билан борди, деган савол туғилиши табиий. Тўғрисини айтадиган бўлсак, у ҳеч нарса сўрагани йўқ. Сиёсатчилар билан учрашувда ҳам, Бонндаги савдо-саноат палатасида сўзлаган нутқида ҳам, газетчиларга берган баёнотларида ҳам бир нарсани алоҳида таъкид билан айтди: биз Германияга ўзимизни танитиш, ўз имкониятларимиз ва шароитимиздан огоҳ этиш учун келдик. Бир мухбир, «Франкфуртер - Альгемайне» газети вакили, ҳайрон бўлиб сўради: «Наҳотки сизларга ҳеч нарса керак бўлмаса?!». «Бизга кўп нарса керак, — деди Президент Каримов, — аммо биз бировлардан хайр-садақа сўрамаганмиз ва сўрамаймиз ҳам».

Ва у ҳеч нарса сўрамади. Аммо Ўзбекистоннинг келажак режалари, ресурслари, имкониятлари хусусида етарлича ахборот берди ва тенг шерикчилик таклиф этди. Шу боис, расмий учрашувларда ҳам, қарор-гоҳга қайтиб келган пайтларда ҳам бирор дақиқа бўш қолмади. Аниқроғи, немислар, иш кўзини биладиган, фойда топишни эплайдиган одамлар эмасми, уни бир лаҳза ҳам тинч қўйишмади. «Мерседес-Бенц», «Сименс», «Дойчебанк» ва бошқа кўплаб йирик фирмалар билан келажакдаги ҳамкорлик хусусида ўзаро келишиб олинди.

Учта ҳужжат имзоланди. Бири — маданий ҳамкорлик, иккинчиси — сармояларни ўзаро муҳофаза этиш, учинчиси — ўзаро ёрдам фонди тузиш хусусида.

Ҳужжатларнинг ҳар икки тараф учун ҳам фойдали эканига шубҳа йўқ. Президент Каримов немис заминини иш одамларини Ўзбекистонга келиб, иқтисодий ҳамкорлик шароитларини ўрганиб, ўзларича мустақил хулоса чиқаришга чорлади. Таклиф мамнуният билан қабул этилди.

Қизиғи шундаки, иш одамлари кўпроқ иқтисодий қонунлар, бож ва тамға солиқлари, экспорт ва импорт имкониятлари хусусида савол бердилар. Ижтимоий барқарорлик, юрт осойиши хусусида бирорта ҳам савол бўлгани йўқ. Шундан фикр қилса бўладики, немисларда иқтисодий ҳамкорликка катта рағбат ва катта ишонч бор.

Иш ва тижорат аҳлининг сиёсий вазият борасида нақадар сергак ва сезгир экани ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Уларда ҳамкорлик ҳаваси бор экани — яхшилик аломати.

«Ўзбек халқи билан немис халқини яқин этадиган хислатлар кўп, — деди Президент Ислом Каримов сафар чоғида. — Ҳар икки халқ ҳам меҳнатни билади, дўстни билади, оқибатни билади. Халқларимизнинг келажакда самарали ҳамкорлик ўрнатишларига шубҳа йўқ».

Ўзбекистон Президентининг Германияга сафари ҳали кўп ва батафсил таҳлил этилади. Бизнинг фикримиз — илк кузатишлар тафсили, холос. Биламизки, Германия — буюк давлат. На фақат Европада, балки бутун дунёда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга. Германия билан дўст бўлиш — Германияга сиёсати ва йўналиши яқин бошқа давлатлар билан дўст бўлишдир. Сафарнинг дастлабки натижалари ҳар икки давлатнинг яхши муносабатлар ўрнатишдан баробар манфаатдор эканини кўрсатиб турибди.

Президент И. Каримов сафар чоғида таъкид этганидек, Ўзбекистон вакиллари у ерга бир маротабалик фойда кетидан қувиб бормади, аксинча, жиддий ва истиқболли порлоқ муносабатлар ўрнатиш, бўлажак ҳамкорлик иморатига пойдевор қўйиш нияти билан борди.

Айтилган гап — ғоят эзгу ният. Бу эзгу ниятга худо кушойиш берсин!..

Мурод Муҳаммад ДЎСТ

Ўзбекистон—Россия:

Ҳужжатлар имзоланди

«Ўзбекистон овози»нинг Москвадаги жамоатчи мухбири Фахриддин ПАРПИЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Қисқа давр ичида ҳар икки мустақил давлат ўртасида истиқболни белгилайдиган ва янги босқичларга олиб чиқадиган бир қатор муҳим савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлайдиган ҳужжатлар ва шартномалар имзоланди.

Яқинда бу соҳада янги қадам қўйилди. Москва шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва Россиянинг мустақил касаба уюшмалари федерацияси ўртасида ҳамкорлик хусусидаги шартнома имзоланди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Б. Алламуродов ва Россиянинг мустақил касаба уюшмалари федерациясининг раиси И. Клочков имзоладилар.

Ушбу шартномани имзолашга бағишланган расмий учрашувда ҳар иккала томон вакилларининг раҳбарлари суверен давлатлардаги ички ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоялаш дастурлари, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда биргаликда иш юритиш, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ҳақида келишиб олдилар. Республикалардаги реал шароит ва аҳвол ҳақида йиғилганларга маълумот бердилар.

Жумладан, Б. Алламуродов Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўртага қўйган беш принцип ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси амалга ошираётган ишлар тўғрисида гапирди.

Шунингдек, у республиканинг ишлаб чиқаришдаги силжишлар, аҳолига ҳукумат томонидан берилаётган имтиёз ва енгилликлар, айниқса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилганлиги, ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда Россиянинг бир қатор вилоят ва минтақалари билан Ўзбекистоннинг алоҳида вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталди. Масалан, Тошкент — Иванова, Бухоро — Ульянов, Фарғона— Тверь вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Кемерево вилоятининг касаба уюшмалари ўртасидаги мавжуд ҳамкорликлар алоҳида қайд этилди.

И. Клочков ўз чиқишида Ўзбекистондаги осойишталик Россия оммавий ахборот воситалари бузиб кўрсатаётганлиги ҳақида ачиниб гапирди. У Ўзбекистондаги тинч-тотув ҳаёт ва барқарор вазиятнинг сир-асрорлари, меҳнаткашларнинг ойлик маошларини қандай ўз вақтида бериб борилаётгани билан қизиқди.

— Биз ички аҳвол ва қийинчиликларга қарамасдан халқаро миқёсдаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун курашамиз, — деди И. Клочков. — Бугунги шартномага келсак, у ҳар иккала давлатнинг касаба уюшмалари федерацияси ўртасидаги мавжуд ҳамкорликни тартибга солади ва мустаҳкамлайди. Чунки собиқ Иттифоқ тарқалиб кетган. Россия билан Ўзбекистон ўртасида бу борада тайинли бир алоқа йўқ эди. Буни биз ошкора тан оламиз. Мазкур шартнома ҳар икки томонни бир-бирига ёрдам беришга, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга чорлайди. Биз эса бунга тайёрмиз ва жону дилдан қўллаймиз.

— Бугун имзоланган шартноманинг аҳамияти биз учун ниҳоятда катта, — деди Б. Алламуродов. — Чунки бизнинг федерациямиз Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Биз бугун асос солган ҳамкорлик янада ривожланиб бораверади.

Шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Россия федерациясидаги элчиси Ю. Абдуллаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

ОРИФ ЮНУСГА ОЧИҚ ХАТ



Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат.

Сизни, газетамизнинг 50-60 йиллардаги зўр фельетончисини ўзингиз ишлаган, донг-довруғ таратган «Ўзбекистон овози» газетангиз жамоаси номидан, минглаб муштарийлар номидан қутлуғ 80 ёшингиз билан муборакбод этамиз.

Барча ижодкорлар, қалам соҳиблари қатори Сиз ҳам журналистлар сафида заҳматли меҳнат қилдингиз. Қаламингиз нималарга қодирлигини публицистиканинг турли жанрларида намоён этдингиз. Билишимизча, Сизнинг Самарқанд вилоят газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган йилларингиз завқли ўтган. Шоир ва носир Чўлпон билан учрашувларингиз ижодингизга самарали таъсир кўрсатди.

Шу таъсир сабаб бўлиб шеърият кўчасига кирган бўлсангиз ажаб эмас. Шеърият шайдолари 1933 йилдан бошлаб кетма-кет «Темир аймоқлар», «Умр», «Мардикор», «Шеърлар» номли тўпламларингиз чоп этилганини яхши эслайдилар. Бу мажмуаларингизга Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Насрулло Охундий, Илёс Муслим муҳаррирлик қилганининг ўзи катта гап.

Орадан йиллар ўтди. «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат»), «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталарида, Тошкентдаги «Фан» нашриётида ижодий меҳнат билан жиддий шуғулландингиз. Қаерда ишламанг, қаламингиз ўткир, сўзингиз кескир, руҳингиз шиддаткор бўлди.

Ҳужумкор ижодкорлик руҳингиз, айниқса, «Қизил Ўзбекистон» газетасида сурункасига 15 йил мобайнида намоён бўлиб турди. Ўша даврдаги ижодингиз бевосита фельетон жанри билан боғлиқлиги Сизнинг довруғингизни оширди. Серхаркаша фельетончиликда довюраклик, ҳассослик фазилатларингиз яққол кўзга ташланди.

Газетамиз таҳририятига ёзган мактубингизда «Мен бир ўлиб, бир тирилган Ориф Юнусман» дебсиз. Биз бу таъбирни ўзимизча фельетончилик машаққатларига боғладик. Ҳақиқатан фельетонни бир сўзли одам ёзади. Сизнинг ҳам бир сўзингиз икки бўлмаган, ўткир фельетонларингиз, бутун ижодий меросингиз шунга гувоҳ.

«Топган гул келтирар...» деганларидек, арзимас тўёна қиляпмиз. 80 йиллик умр байрамингизга 1958 йилда ёзганингиз «Ахборот» фельетонингизни жузъий тузатиш билан бугунги газетхонлар ҳукмига ҳавола этяпмиз. Зора «қув» сўзларингиз айрим йўлдан озганларни сергак торттирса.

Оққа кўчирувчи:
Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

• *Ориф ЮНУС* •

АХБОРОТ

• ФЕЛЬЕТОН •

Район халқ маорифи бўлимининг мудири Муродов «Самара» мактаби директори Мардоновга «Алло, алло» қилиб, шошилинч суратда ахборот топширишни талаб этди. Директор қанақа ахборот эканлигини сўраганда, телефондан «ҳали шуни ҳам билмайсизми?» деган жекириқ эшитди. Орадан икки кун ўтди. Телефон яна жиринглади. Гап билан узиб-узиб олиб, яна ахборот масаласи айтилди-ю, нима тўғрида эканлиги бу гал ҳам муаммолигича қолди. Директор хуноб бўлиб, охирги чоракнинг бориши тўғрисида ахборот ёзиб элтиб берди.

— Бу нима, бу? — деди Муродов лабини буриштириб, пешонасини тириштириб.

— Ахборот!

— Йўқ, мен сиздан ахборот сўраяпман. Буни пиширинг енг!

— Қандай ахборот, тушунтириб айтинг?

— Оддий ахборотни тушунмасангиз мен билан қандай ишлай оласиз?

Икки ўртадаги суҳбатни шартта узиб қўйиб, шу жойга келганда бир оз чекиниш қилишга тўғри келиб қолди.

Мардонов-ку директор, ҳарқалай мактабда ишлаб турипти. Шуниси қизиқки, Муродов ҳали мактаб ишига жойлашиб улгурмаган кишилардан ҳам ахборот сўрайди.

Султонов мактабга кириш мақсадида маорифга қатнаб юрди, иш ўрнига қават-қават ваъда олди. Бир кун, одатига кўра кабинет эшигидан салом бериб кириб келди.

— Устозингиз сизни қуруқ саломдан бошқа нарсага ўргатмаган экан-да! мутойиба қилди Муродов. — Сиз ҳам мундоқ одам бўлиб ахборот билан келсангиз-чи!

Бўлди, гап тушунарли, Султонов бирон тадбир кўрмаса, маорифга шунча танда қўйиб ўтказган вақти шамолга учадиган кўринади. У бир неча кундан кейин тахи бузилмаган костюм, оқ шоҳи кўйлакдан иборат «ахборот» олиб борди. Бу совға-салом гўё мой ўрнини босди-ю араванинг ғичирчирини босилди. Султонов иззат-ҳурмат билан райондаги бир мактабга илмий бўлим мудири қилиб юборилди.

Энди «Яшнар» мактаби директорининг ўринбосари Шарипов берган «ахборот»га келайлик. У илгари «ахборот» сўзига тўғри тушунса ҳам, маориф мудири тушунгандек тушунмас эди. Бир кун мудир унга: «Бизга ҳеч ахборот бермайсиз, хўжайин, арпангизни хом ўрдикми?» деб ярим ҳазил, ярим жиддий гапирди. Шунинг орасида уйи ремонт бўлаётганини айтиб, мактабнинг бир оз қурилиш материалидан ташлаб ўтишни буюрди. Шарипов бир неча кунгача бош қашиб юриб, рад қилишнинг йўлини тополмагач салкам тўрт кубометр тахта, бир тонна цемент, 2000 дона пишиқ ғиштни Муродовнинг уйига жўнатди.

— Марҳаматлари шугинами, хўжайин? — деди Муродов. — Ҳовлининг анави гардиш жойи сиздек миришкорнинг гул ўтқазишига маҳтал бўлиб турипти-ку, буёғини нима қиласиз?

Шарипов бир уҳ тортиб бозорга тушиб кетди, ёнидан бир қанча пул сарфлаб атир гул кўчати олиб бориб ўтказиб берди.

Шарипов ва Султоновлар «ахборот» бера-бера тинкалари қуригандан кейин қулоқни кар қилиб олган эдиларки, оёқ босган жойлари ўпирилиб тушди. Маориф мудири дарҳол биринг дарс соатини қайчилаб қўйди, иккинчисини эса мактаб даргоҳидан бадарға қилиб, орқасидан тош отди.

Мудир муттасил «ахборот» бериб туришдан бўйин товлаётган кишилар билан қандай тилда гаплашади-ю, шунча вақт бирга ишлаб, жилла бўлмаса бир марта тутқич бермайдиган Мардоновни тинч қўярмиди! Муродовнинг илинжига тушундими, ё ўзини гўлликка солдими, ҳайтовур, ахборот сўраганда тахта-тахта қоғозни қоралаб боришдан зерикмади. Бу ҳолдан фиғони фалакка чиққан Муродов: «Тўхтаб тур, сенмисан ҳали менга ахборот бермайдиган» деб энгаҳини сиқиб туриб ди. Тўғри, комиссия текширса ишдаги нуқсонлар очила ди, уни тугатишга тадбирлар белгиланади. Ўқитувчилар ишига ҳалал етказган, директорни гангитган бу қўш-қўш комиссияларнинг биронтаси на кўзга кўринарли нуқсон топди, на кўрсатма берди ва на бир таклиф қолдирди!

Бир-бири билан пойга қилишган текширув комиссияларига машқ беришдан мақсад «ахборот» масаласида ойлар бўйи оғиз пойлатган Мардоновни чархпалак қилиш, ўрнига шу мактаб директорлигига илгаридан ариза бериб қўйган ва тез-тез «эриб» туришга ваъда қилган бошқа кишини белгилаш эди-ю, иложи бўлмай қолди.

Маориф мудири бошқа ёқлардан ҳам «ахборот» олиб турадими ё Мардоновга ўхшаш кишиларнигина қувдиқувди қиладими?

Унга бошқа ёқлардан ҳам «ахборот» ёмғирдек ёғилади. Қайси йўл билан? Уруғ-аймоқлари, ёр-биродарларини тўғри келган мактабга жойлаштириш йўли билан! Шундай бўлмаганда, қалин оғайниларидан бўлмиш Назаровни бир йўла икки мактабга, Исмоиловни эса уч мактабга хўжалик мудири қилиб тайинлармиди, уларнинг ҳамма мактаблардан тўла маош олишларига йўл очиб берармиди? Агар у, бир наф кўрмаса Самандаровнинг оёғини осмондан келтириб, таълим-тарбия кўчасидан ўтмаган қариндоши Ғозиевни унинг ўрнига директор қилиб тайинлармиди?

Ахборотнинг бошқа катта манбалари ҳам бор. Мана, «фестиваль фондига» деб олинган «ахборот»га диққат қилинг. Райондаги 70 мактабнинг ҳар бири фондга 300 дан тортиб 1000 сўмгача пул топширди. Баъзи мактабларга пул топширгани учун ҳужжат берилди, кўп мактабларга эса ҳеч нима берилмади. Шундай қилиб, болалардан йиғиб олинган 40 минг сўмдан кўпроқ пул жиғилдондан ўтиб кетди. Кейинчалик бу масала қўққисдан кўтарилиб қолгач, район маорифи бўлимида дарҳол бир парча қоғозга ажи-бужи ведомость тузиб, 28 тагина мактабнинг пул топширгани кўрсатилди. Унда энг кўп пул топширган «Самара», «Аълочи» ва бошқа мактабларнинг ном-нишони йўқ эди.

Муродовнинг тушида ҳам ўнгида ҳам тинчлиги йўқ. «Қани, ҳа, ахборот! Қани, ҳа, ахборот!» деб ҳаллослагани ҳаллослаган...

(«Қизил Ўзбекистон — 1958 йил).

АВАЗОВНИНГ ҚЎЛИ МИНГТА ЭМАС

⊙ Қумқўрғонда телефон хизматига тааллуқли қизиқ одат бор. Коммутатор (телефонни телефонга улаб берувчи)дан иши битавермаган одам район алоқа идорасининг бошлиғига сим қоқади. Ҳай, Абдуллабой, телефончи қизларингиз тушмагур ноль еттини кўтаришмаяпти. Бир оғиз айтиб қўйинг-е, менга фалон номерни улаб берсин, дейди.

АБДУЛЛА Авазов бу дунёда кўз бор, қош бор, деган гапни хўп ўйлайдиган одам. Мени ишдан қолдирманг, телефончи билан ўзингиз гаплашаверинг, дея олмайди. Лекин ўртада воситачилик қилгани барибир малол келади. Дардини ичига ютади. Ахир, телефончи яхши ишламаса ёки райондаги мингга яқин телефон нуқтасидан биронтаси бузилса, ким ёмон — Абдуллабой ёмон, деган гап чиқиши тайинлигини у яхши билади.

Шусиз ҳам Абдуллабойнинг оти бир неча бор ёмонга чиққани — бўлган гап. Масалан, казо-казо одамлар, сен бор жойда телефон ишламайди, деб пўписа қилишди. Вазифасини пасайтиришди. Ишдан четлатишди. Унинг ўрнига гоҳида таниш-билишларини қўйишди. Бироқ, тили аччиқроқ, бетга чопарроқ бўлса-да, Авазовнинг ўзи пеш, экан деган тўхтамга келишди.

Айтиш керакки, пешлигини кўрсатди ҳам. Илгари район марказидан ўттиз-қирқ чақирим узоқликдаги хўжаликлар билан телефон алоқаси сим орқали ўрнатилган эди. Бировни ака, бировни оға, деб Авазов ўша жойларда учта «Радан» ускунасини ўрнатди. Бу ускуналар станцияларни ҳаво орқали боғлади. Коммутаторнинг хизмат ҳажмини қисқартирди.

Яна бир гал, шунчаки қизиқиш билан, район ҳокимининг хизмат машинасига телефон ўрнаттирди. Бу телефоннинг жойлардаги станцияларга мослашуви қизиқ. Қумқўрғонда Қумқўрғоннинг ёки Қаршида Қарши шаҳри станцияларининг номерлари билан осонгина алоқага чиқиш мумкин. Бу мосламани кўрган вилоят раҳбарларидан бири вилоят алоқа ишлаб чиқариш идораси раҳбарига, нега бизга шунақа шароит яратмайсиз, деб хўп ўпкалаганини айтинг.

Авазов бир гал, агар техникавий таъминотимиз дуруст бўлганда, ўз соҳамда ҳафтасига битта янгилик яратган бўлардим, деб мақтанди. Энди, ҳафтасига бўлмаса ҳам, аҳён-аҳёнда янгилик яратиб турганини қайд этмоғимиз лозим. Яқинда шаҳарлар билан гаплашадиган жойга махсус мослама ўрнатилди. Бунинг афзаллиги шундаки, Термиз шаҳридаги одам билан гаплашадиган киши коммутаторга хизмат кўрсатиш ҳақини тўлайди-да, махсус хоначага ўтиб, ўзига керакли номерни териб алоқага чиқаверади. Тошкент ва ҳатто бошқа шаҳарларга ҳам шу тартибда алоқага чиқиш имкониятларини топамиз, дейди Авазов.

Ҳозир бўлса бошлиқ Қумқўрғонда «Исток» деб аталадиган телефон автомат станциясини ўрнатиш ташвишида. Станцияда 2000 номер жамланади. Бошқа шаҳарларга фақат код орқали чиқилади. Техникавий, молиявий ҳисоб-китоблар автоматик тарзда бажариладиган бўлади. Янги аппарат 27 хил вазифани уддалайди. Хуллас, коммутатор ҳақида деган гап ўз-ўзидан барҳам топади. Ва шундан кейин ҳеч ким, «ай, Абдуллабой, телефончи қизларингиз тушмагур» деб ҳам ўзининг, ҳам бошқа бировнинг хунобини чиқармайди.

Ҳозирча бўлса биз юқорида ёзганларимизга қуйидагиларни қўшимча қиламиз: алоқа идораси ўз ҳовлисида янги ошхона қуриб олди. Идора ишчиларининг тушлик дастурхонига ҳар куни янги сўйилган қўйнинг гўштидан тайёрланган таом пул тортиқ қилинади. Идорани иситадиган қозонга табиий газ қувури пайванд қилинди. Волейбол ишқибозлари майдонга тушиш учун олдиндан навбат эгаллаб қўйишади. Энди спортнинг бошқа турларини ташкил этиш ниятлари бор.

Яна бир қўшимча: райондаги бирон бир телефоннинг ишламай қолганини кўрганларнинг мақоламиздан қойинмасликларини сўраймиз. Ахир Авазов ҳам — бир одам...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: Самарқанд трикотаж фабрикаси йигирув цехи илғор ишчиси Баҳриниса Расулова. У кунлик иш нормасини 103-105 фоиздан адо этиб, сифатли маҳсулот бераётир.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев раислигида ислом оламининг буюк алломаси Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика юбилей комиссияси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мазкур тадбир муносабати билан талайгина ишлар бажарилгани, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан аталувчи меъморий мажмуа таркибига кирувчи савдо маркази, чойхона, автобус бекати ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилгани, уч километрли водопровод тармоғи тортилиб, ариқлар бетонлаштирилгани, жами 90 миллион сўмлик иш бажарилгани таъкидланди. Бухоро вилоятида шу йил 13—14 март кунлари ўтказилган Наврўз умумхалқ ҳашарида ишлаб топилган маблағдан 10 миллион сўм шу мажмуани таъмирлаш ишларига ажратилган.

Бироқ юбилей иншоотларида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш масалалари тўла ҳал этилмагани, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси бир қанча иншоотларни қуриш ва таъмирлашни зиммага олган бўлсалар-да, ҳалигача бу ишларни бошламагани, Ўзбекистон Молия вазирлиги «Баҳоуддин Нақшбанд—675» номли жамғармани ташкил этишга киришмагани, бошқа бир қанча муҳим тадбирлар ҳам ўлда-жўлда қолаётганига эътибор қаратилди. Йиғилишда ана шу камчиликларга тезда барҳам бериш чоратадбирлари белгиланди.

Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров йиғилишда сўзга чиқди.

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

ГАЗЕТА — ДАВР МУҲРИ

«Ўзбекистон — Ватаним менинг»

● Ҳозир севиб ўқийдиган «Ўзбекистон овози» рўзномамиз илгарилари «Қизил Ўзбекистон» дейилар эди. Уни қачондан ўқий бошлаганимни эслай олмайман. Лекин Маъруф Олимов деган танишим ўн ёшидан бошлаб 40 йил, 1926 йилдан 1966 йилгача (вафот этган куни ҳам ўқиган) бир кун ҳам канда қилмай ўқиганини аниқ биламан. Мен ҳам ўттизинчи йиллар «Қизил Ўзбекистони»ни озми-кўпми кўз олдимда тасаввур қила оламан. Шунинг учун ҳам, вақтим бекор ўтмаган экан, деб хурсанд бўлиб қўяман.

Омонулло ФАЙЗУЛЛАЕВ.



ЗАМОН ЗИДДИЯТЛАРИ РЎЗНОМА ИНЪИКОСИДА

Рўзномада биринчи беш йилликлар байроқдорлари, зарбдорлар, стахановчилар, юзцентнерчи иброҳим-раҳматовчиларнинг катта-катта расмлари, улар ҳақида олға ундовчи тарғибот йўсинидаги мақолалар, челюскинчилар ва папанинчилар, чкаловчи ва расковачилар, виноградовачилар ва омоновалар... Эҳ-ҳе, ана, отилиб чиқаётганлар, мана, кўкларга кўтарилаётганлар... Шу билан бирга қулоқларни, жумладан, жумҳуриятимиздаги миришкор ер илми усталари — деҳқонларни синф сифатида йўқотиш, Беломорканал, ДнепроГЭС, Узоқ — Шарқ конларини қуриш учун ишчилар синфини ҳибсдагилар ҳисобига кўпайтириш жараёнларининг гоҳо тўғри, гоҳо кўзбўямачилик билан изоҳланиши... Умуман коллективлаштириш ва индустрлаштиришнинг зиддиятли мағзи рўзномада ўз аксини топар эди.

Эй, нимасини айтасиз! Маданият ва санъат, фан ва техника, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларни кўплаб тайёрлаш учун кураш. Абдулла Авлонию-Аббос Алиевлар, Ҳалимахониму Тамарахонимлар, Ойбеку Ғафур Ғуломлар, Ҳусайнхон Ниёзийю Саттор Жабборлар, Сайидхўжаеву Раҳматилла Алимовлар..., буларнинг ҳаммаси маданият, санъат, фан, техникада мана шу ўттизинчи йилларда юзага чиққан қалдирғочлардир, Оддийлари эмас, йириклари. Улар ҳақидаги яхши мақолалар рўзномада босилиб турди, аммо химиядан биринчи профессор ўша Саттор Жаббор, «халқ профессори» деб ном олган Ҳусайнхон Ниёзийлар отилди. Сал илгари ва сал кейин қанот қоққанлар: Абдулла Қодирий ва Усмон Носир, Гермонхон Мажидова ва бошқалар. Троцкийчи-бухаринчи, файзулла-хўжаевчи-акмал-икромовчилар судидаги росту ёлғон гаплар расмий эди, жумҳуриятимиздаги митингларда кўр-кўрона чиқишлар, рўзномага ўзидан хавфсираганларнинг суд ҳукмини қўллаб-қўлтиқлаб ёзган мақолалари-чи... Ҳаммасини ўқиш мумкин рўзнома нусқаларини кўтариб.

Инсоният пайдо бўлибдики, энг яхши жамиятда яшашни орзу қилади. Нега орзу қилмасин? Энг ривожланган, энг адолатли жамиятнинг номи нима ўзи? У «коммунизм» деб аталди. Ғоямиз коммунизм қуриш, идеалимиз коммунизм бўлиб қолди. Бу жиҳатдан ҳеч қандай хато йўқ. Рўзнома ҳам хатога йўл қўймади. Лекин... амалда идеалимизга етиб бўлмайдиган ғоялар жорий этила бошланди: «Социализм ривожланганн сари синфий курашлар авж олади», «Тарихий анъаналар — ўтмиш сарқитлари», «дин — хурофотдир». Рўзномада байналмилаллик диалектикасига оид кўп мақолалар босилди, лекин байналмилаллик деганда аслида. бошқа халқларнинг бир халққа тобеъ бўлиши бўлиб чиқди. «Қарс икки қўлдан чиқади» деган диалектика бузилди. Назарияда диалектика, амалиётда метафизика пайдо бўла бошлади. Ҳа, шу рўзномамизда, 30-йилларда.

Пахта яккаҳокимлиги-чи? Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча мақолалар ёзилди амалдорлар, олимлар, амалиётчилар томонидан. Кези келганда айтиб қўяқолайлик: рўзнома уларга озмунча қалам ҳақи бермадими?! Рўзнома саҳифаси шахсий адоватларга озмунча саҳн бўлмадими?!

Давр фақат салбий воқеалардангина иборат бўлавермайди, ота-боболаримизнинг меҳнат изларини ўчириб ташлаш мумкин эмас. Шу жиҳатдан ўттизинчи йилларни, масалан, «биринчилар» даври дейиш ҳам мумкин, кашшофлар деб айтадиганимиз кўп соҳаларда кўрина бошлади. Биринчи фан доктори (Т. Қори-Ниёзий), биринчи фан номзодлари (Айюб Ғулом, Т. Саримсоқов, Ю. Тошпўлатов, Т. Зоҳидов, Ҳ. Абдуллаев, М. Ўразбоев,...). Биринчи нишондорлар. Биринчи халқ артистлари, биринчи балет мактаблари. Биринчи тўқимачилик комбинати, кон заводи, машинасозлик саноати корхоналари, биринчи фан комитети. Ҳатто САГУнинг биринчи студентлар илмий конференцияси. Ёш фотографларнинг илк сувратларининг рўзномада босилишлари. («Саид Аҳмад фотоси», «Жалолмаҳсим фотоси», «Қўчқор фотоси»). Рўзномада «биринчилар» кўп учраб турар эди.

Шовинизм ва миллатчилик турмушда унча сезилмас эди, бўртиб юзага чиқмас эди, Чунки, аввало, ҳар хил халқларнинг демографик мутаносиблиги меъёрида эди.

Фашизмнинг уйғонаётганлиги СССРнинг ташқи ва ички сиёсатига таъсир қилмай қолмас эди, албатта. МОПР ташкилотлари кенг тарқала бошлади, ГТО ва БГТО мактабларда ривож топди, «Ворошиловчи мерганлар» нормасини топширувчилар кўпайди. Ишга 20 минут кечикканларни қамаш бошланди. Барибир турмуш кетаверди, Одамлар умид билан ҳаёт кечирардилар. «Қизил Ўзбекистон», албатта, узлуксиз чиқаверди. Одамлар уни қизиқиб ўқишар эди. Ўқишга-ку ўқишар эди, кўп ўқишар эди, лекин бошқалар билан кам муҳокама қилишар эди. Ҳа, замоннинг табиати шундай эди...

«Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг урушгача бўлган даврдаги қиёфаси мана шундай эди. Ҳа, ҳар бир рўзнома ўз замонининг кўзгуси — ойнаси-да!

Умумий тафсиф билан чегаралансак, рўзнома бой тажрибасининг ички мазмунига ета олмаймиз. Шу мақсадда тарихий далилларга мурожаат қиламиз. Салбий жиҳатларга қараганда кўпроқ ижобий воқеаларни тилга киритишимиз ушбу сатр муаллифининг субъектив муносабатларидандир, албатта. Рўзномада босилиб чиққан ва эсда қолган айрим мақолаларни ва баъзи журналистларнинг фазилатларини эсламайман. Ҳа, 50 йилдан ошибди биринчи мақолам чиққанига. Рўзнома муҳарриятидан бошқа ишга ўтканимга ҳам мана, 40 йилдан ошибди. У замонлар энди, тарих, бўлиб қолди.

БАЪЗИ МАҚОЛАЛАРНИ ЭСЛАГАНДА

«Қизил Ўзбекистон»да қанча мақола босилиб чиққан, буни, албатта, ҳеч ким ҳисоб-китобига ета олмайди. Лекин ҳар бир муштарийнинг эсида сақланиб қоладиганлари бўлади. Масалан, қуйидаги мақолалар:

а) **Мухбирнинг эпчиллиги.** 30-йилларда Насибулло Ҳабибуллаевни «Қизил Ўзбекистон»сиз тасаввур эта олмас эдим. У рўзноманинг адабий котиби эди. Таржимонликка устаси фаранг! Умуман кечасию кундуз муҳарририятда қолиб кетар эди. Бу ишни севганидан. Кетма-кет мақолалари, тақризлари, фельетонлари чиқиб турар эди. Бир куни Максим Горькийнинг вафоти ҳақида унинг ахбороти «Қизил Ўзбекистон»да чиқиб қолди. Ажабо, ТАСС ва бошқа марказий рўзномалар бир кун кейин эълон қилди. Сабаби шундай бўлган экан: Ҳамза номли театр гастролларини рўзномада ёритиш учун Москвага борган мухбир Н. Ҳабибуллаев интервью олиш учун Карл Бауманга телефон қилибди. Н. Ҳабибуллаев айтибди: «Карл Янович, Сиз ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг раиси сифатида Ўзбекистон санъатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшгансиз, энди ВКП(б) Марказий Қўмитаси бўлимининг мудири сифатида гастроль ҳақида қандай мулоҳазаларингиз бор, шу савол билан олдингизга бормоқчиман, рухсат этсангиз». К. Я. Бауман Кремлда Н Ҳабибуллаев билан суҳбатлашиб турганида, унга хабар келиб қолибди: Максим Горький вафот этди! Мухбир аниқ ишонч ҳосил қилгач, Бауман кабинетидан «Қизил Ўзбекистон» муҳарририга телефон қилган. Ҳатто муҳаррир ҳам Бауман билан саломалик қилган, гаплашган. Ана бунинг отини эпчиллик дейдиларким, бу нарса мухбирларга ниҳоятда керак. Н. Ҳабибуллаевнинг марказий матбуотда босилиб чиққан казо-казо муаллифларнинг мақолаларига танқидий тақризи «Қизил Ўзбекистон»да чиқиб турар эди. Нима учундир ҳозир журналистиканинг бу жабҳаси пасайиб кетган.

б) **Шундақанги сенсация ҳам бўлган.** Рўзнома сонларининг бирида врач Собировнинг пес касаллигини тузатиш ҳақидаги кашфиёти эълон қилинди. Мақола катта, кашфиётчининг суврати билан. Бу хабар муштарийларда катта қизиқиш уйғотди, тиббиёт дунёсини ҳайратга солди. Рўзнома билан хат алмашишлар кўпайиб кетди. Шундан кейингина пес билан касалланганлар сони кўп эканлиги маълум бўлиб қолди. Анча вақт ўтгандан кейингина бу сенсация ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Бу ҳам рўзномада гоҳо учраб турадиган воқеалардан бири. Доктор Собировнинг ўзида пес касаллиги йўқ эди, лекин бу воқеадан кейин кўчадан уни одамлар: «ана, пес дохтир» деб кўрсатишадиган бўлди.

в) **Тўғри ниятдан эгри фойдаланиш.** Рўзнома «Маҳаллаларда оммавий-оқартув ишларини ривожлантириш ҳақида» дейилган бир қарорни босиб чиқарди. Бу хайрли мақсадни жойларда жорий этиш учун маҳаллаларда мажлислар ўтказила бошланди. Тошкентдаги «Кўкча» маҳалласида ҳам йиғилиш бўлди. Ажабланадигани шуки, нима учундир бу мажлис шу маҳалла ҳудудидаги қабристонда, гўрлар ёнида ўтказилди. Ёз пайти эди. Номозгар атрофида бир стол ва уч-тўрт табуреткалар қўйилди. Район прокурори Мўминов, унга бу иш топширилган бўлса керак, мажлисни очди. Маданий-оқартув ишлари ҳақида бир-икки оғиз гаплар ҳам бўлди. Барибир муҳит нима учундир жиддий, ҳамманинг қовоғи солиқ. Эҳтимол, мажлисни маориф мудири олиб борса, бундай бўлмасмиди? Маҳалла аҳлидан биринчи бўлиб Асадулла ака сўзга чиқди. Қўлида ёш қизчасини кўтариб олган бу киши, чамамда, гапни сал узоқдан бошлади, шу куннинг сиёсатига мослаштирмоқчи бўлди шекилли, «Маҳалламизда оқартув ишлари соҳасида анча-мунча ишлар қилинди. Масалан, Неъматилла ака, Нормамат ака жуда жонбозлик кўрсатишди. Лекин, ўтган ишлар билан мағрурланиб қолмаслик керак. Масалан, Бухарин...» деб эдики, раис «Бўлди! Бўлди! Етарли. Тушундингларми, ўртоқлар, Бухарин ҳақида гапираяпти, афтидан уни мақтамоқчи. Ҳаммаларинг эшиттиларинга. Мажлис ёпиқ». Ҳа, ўша кечаси Асадулла акани қамоққа олиб кетишди. Отилганидан сўнг оқланди... Бу ерда айтмоқчи бўлган гапимиз: «Қизил Ўзбекистон» яхши ният билан эълон қилган қарордан ёмон ният учун фойдаланилди.

г) **«Сталин ҳал қилмаган илмий муаммо бор эканми!»** Бу мақоланинг номи. Гап шундаки, 1938 йили Уйчига «Ирисметов — Фатхулла Хўжаев иши» бўйича судда оқловчи вазифасини бажарган адвокат Табиббеков Тошкентга қайтиши билан ҳибсга олинди ва дарров рўзномада шу мақола босилиб чиқди. Бу адвокат юридик институтининг доценти эди. У ўзининг бир китобида «Мана бу илмий муаммо ҳануз ўз ечимига эга эмас», дейилган жумла бор экан. Ҳуқуқшунос олимни корчалонлар шу еридан ушлаб олишди. Кейинчалик номи тилга олинган бу меҳнаткаш инсонлар оқланди.

д) Гоҳо, рўзномада эълон қилинган **майда-чуйда хабарлар** ҳам эсда қолар экан. Чунончи, «Тошкентда 2200 та «Хўжаевлар», «22 та Иван Иванович Ивановлар» бор экани (ҳозир қанча экан?), «Профессор Қори Ниёзийнинг кўчада йўлини тўсган безори», Иброҳим Раҳимнинг Финляндия урушидан йўллаган «ДЗОТ» мақоласи...

Буларнинг ҳаммаси «Қизил Ўзбекистон»да урушгача босилиб чиққан мақолаларни ўқиб, эсимда қолганларидан. Бировлар фақат ўқийди, бировлар фақат ёзади? Ўқишдан ёзишга ўтиш қандай бўларкин? Муҳарририятга бориб кўрмоқ учун аввал ёзиб кўрмоқ керакдир.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МУҲАРРИРИЯТИГА КИРИБ КЕЛДИМ

1939 йили САГУ студентларининг биринчи илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда физика-математика факультетининг студентларидан Дивеев, Хабаров, Шамшин, Губин, Петросянц, Умаров, Садриддинов ва бошқалар маъруза қилишди. Менинг маърузам: «Улуғбекнинг самовий жисмлар ҳаракати ҳақидаги назарияси ва расадхонасидаги кузатишлар». Илмий раҳбарим — Тошкент астрономия обсерваториясининг директори, бизнинг астрономия ўқитувчимиз Я. П. Цукерваник эди. Маърузани тайёрлашимда Зиёвуддинхон Бобохонов Улуғбек «Зиж»ини форсчадан ўзбекчага таржима қилиб турдилар. Мен ёзиб олдим. Шу тарзда маъруза тайёр бўлди. Конференцияда қилинган маърузаларнинг муҳокамасида домлаларимиздан В. И. Романовский, А. А Скворцов (декан), Н. Н. Назаров, М. Т. Ўрозбоев, Т. А. Саримсоқов (декан ўринбосари) ва бошқалар қатнашдилар. Я. П. Цукерваник маъруза матни асосида рўзномага мақола тайёрлашни таклиф этди.

Мақолани тайёрлаб, Полиграфическая кўчаси (ҳозирги Усмон Юсупов кўчаси)да жойлашган «Қизил Ўзбекистон» муҳарририятига олиб бордим. Бош муҳаррир хонасига бемалол кирдим (у вақтда нашриёт-лар биноларида милиционерлар бўлмас эди). Катта хона, тўрда катта кўзойнакли бир одам ўтирибди. У Сулаймон Азимов экан. С. Азимов Москвадаги Фалсафа, тарих ва адабиёт институтини тамомлаб келиб, 30 ёшида муҳарририятга раҳбар бўлиб тайинланганлар. Сулаймон ака мен иштирокимда мақолани ўқиб чиқдилар ва фан, маданият бўлими мудири Юнус Латифга топширдилар. Мақола «Улуғ ўзбек астрономи» номи билан 1939 йил 4 апрелда босилиб чиқди. Шу мақола гонорарига (194 сўм) коверкот костюм олдим, дунёга бошқатдан келгандай ҳис этдим ўзимни. Костюмни кийиб олиб, «одамбашара бўлиб», яна бир мақола олиб бордим. У ҳам чиқди. Мазахўранка ўрганиб, бўш вақтларимда мақола ёзаверадиган бўлиб қолдим. Натижа шундай бўлдики, эшикни очиб, коридорга киришим биланоқ гоҳо рўзнома котиби Вали Ғалломни кўриб қолар эдим, мақола олиб келдим, десам, у бер, деб олардида, агар мақола кичик бўлса, ўт-бўтига қалам уриб, тўппа-тўғри подвалдаги босмахонага олиб кетаверар эди. Бундан шундай натижа чиқариш мумкинки, ўша вақтда олам, осмон, юлдузлар, Қуёш, Ой ҳақидаги мақолаларга муштарийларда ташналик катта экан.

Шундай қилиб, «Қизил Ўзбекистон»га тез-тез бориб турадиган бўлдим.

Муҳарририятдаги муҳит. «Қизил Ўзбекистон» ходимлари менга таниш бўлиб қолди. Мен шу вақтгача, мактаб, университет ва обсерватория муҳитини билар эдим. Бу ерда бошқачароқ экан: одамларнинг қўлида қоғоз, мунозара, рўзнома эртанги сонининг ҳаракати... Одатда макет, гранка, корректурадаги кўриб қолган нарсангизни эртасигаёқ ўқийсиз. Янги гапларни, аввало, шу ерда эшитасиз. Ажабо, бу қизиқ нарса!

Ходимлари ҳам ўзгача. Юнус Латиф ўрта бўйли, серсоч, қиёфаси исиқ, билимдон адабиётшунос эди. У бошлиқ бўлим доим гавжум. Айниқса Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тегишли нарсалар шу хонада қиёмига келтирилар эди. Ойбек, Абдураҳмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Тўхтасин Жалоловнинг рўзномада босиладиган мунозаралари аввал шу хонада бошланар эди. Одатда муаллифлар туриб мунозара қилишар эди. Фақат Юнус Латиф ўтириб, муҳокамага аралашарди. Юнус Латиф бўш вақтларида дарслик ва китоблар ёзган. У одам ҳам, афсуски, ёш кетди.

Етакчи журналистлардан Зафар Диёр ўзининг вазминлиги, унумли репортерлиги билан ажралиб турар эди. Мақолаларни шоирона қилиб ёзар эди.

«Қизил Ўзбекистон»га борган одам бошқа рўзномалар ходимларини ҳам учратар эди. Чунки ҳамма рўзномалар мана шу «полиграфкомбинат»да жойлашган. Бир баланд бўйли, кўзойнакли, сочлари қошларини кўмиб турадиган ходим қўлидаги қоғоз ва қалам билан коридорда кўп кўриниб қолар эди. У киши, кейин билсам, «Правда Востока»нинг машҳур журналисти Юрий Арбатов экан. «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни» рўзномалари ҳам шу ерда, ҳатто бир қаватда.

Мени бу рўзномалар ҳам таклиф қилишди. «Ёш ленинчи»нинг муҳаррири Баҳром Акбаров ўзига хос савлати билан ажралиб турар эди. Ёзда у чиройли оқ жужун костюмда юрар эди. Ёзин-қишин костюмининг дўхти бузилмас, серқора сочи авайлаб таралган, муомалада сиёсатнавис, ишчан журналист бўлган.

«Ленин учқуни»ни Умар Хўжаев тебратиб турар эди. Адабий ходимлардан Санжар Тилла, Одил Қаюмов, Ҳаким Назир, Ғиёс Соатий, Ваҳоб Рўзиматов, Неъмат Тошпўлатлар муаллифларга самимий муносабатда эдилар. Рўзномада Ернинг ички сирларига бағишланган кемта-кет мақолалар мажмуаси ўқувчиларга ғайрат бағишлади. Муаллифлар: геология-минералогия фанлари номзоди Ҳабиб Абдуллаев ва геолог, студент Обид Акрамхўжаев эдилар. Бундай мақолалар бошқа соҳаларда ҳам кўпая борди.

Рўзномаларнинг ҳаммаси «полиграфкомбинат» номли босмахонада терилар, босилар ва чиқазилар эди. Директор Исоқ Тожиев таги матбаачи бўлиб, нашриёт ишларининг пири эди. Кейин у район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди, Ленин ордени нишондори бўлди. У ишчилар орасида хушмуомала, муҳарририятларда обрўси баланд эди. Замонанинг зайли билан, Тожиев пенсияга чиққанидан кейин, Тошкентдаги Ўрдада рўзномалар дўкончасида анча вақт ишлади. Бу ҳам, қариганда рўзномалардан узоқлаша олмаслик бўлса керак. Қизиғи шуки, 70-йиллардаги бир байрамда алоҳида хизмат кўрсаткан фахрийларнинг катта-катта портретлари осилиб қўйилди, уларнинг ичида Исоқ Тожиевники ҳам бор эди. Тожиев дўконининг тўғрисида, кўчанинг нариги бетида. Мен у кишига рўпарадаги ўз портретларини кўрсатдим. У киши: «Йўғ-е, меникимасдир» дедилар. Йўқ, бу портрет урушдан аввалги даврда рўзномалар матбаасини таъминлаб турган ўша Исоқвой аканинг суврати эди!

Ёш ижодкорлар университети. Ҳа, худди шундай эди. Рўзнома коридорида номларини эшитиб, ўзларини кўрмаганларингизнинг ҳаммасини кўрасиз. Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Мамарасул Бобоев, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ўткир Рашид, Туроб Тўла, Юсуфжон Ҳамдам, Шунқор Абдураҳмонов, Ёнгин Мирзо, Раҳмат Файзий, Султон Акбарий, Шуҳрат, Самиъ Абдуқаҳҳор... Буларнинг ҳаммаси деярли бир вақтда пайдо бўлган адабиётнинг бир «гулдастаси» эди. Ўша гулдастани эслаганимда фикримга шундай нарса келади: 20-йилларда ва 30-йилларнинг биринчи ярмида ҳам бунақанги деярли бир ёшдаги истеъдодли катта саф бўлган эмас: баъзиларидан мустасно, уларнинг деярли ҳаммаси муштарийлар умидини оқлаб, йирик ёзувчиларга айландилар. Айтмоқчи бўлганимизнинг асосийси — уларнинг ҳаммаси учун «Қизил Ўзбекистон» бир университет бўлиб хизмат қилди.

Уларни муҳарририятда кўрганимда ҳаммавақт бир нарсага дуч келар эдим: очиқ чеҳралилик, хуш муомалалик, бир-бирини ҳурмат қилиш, кўмаклашиш, маслаҳат бериш, ўртоқлик, самимийлик. Ҳа, уларнинг ҳаммаси бир-бирига дўст эди. Ўша замон ва кейинги замонлар кирдикорлари ҳали уларга етиб келмаган эди. Улар беғубор эдилар, «қиздай бола» эдилар. Бу ёш ижодкорлар шеърлари ва ҳикояларини дастлаб рўзномаларда чиқарар эдилар. Мухбирлик ҳам қилар эдилар. «Қизил Ўзбекистон» уларни тоблади.

Чамамда, уларнинг ичида, аввало, ялтираб кўрингани Юсуфжон Ҳамдам эди. У ҳали 17-18 ёшларидаёқ ижоди билан халққа танилди. Усмон Юсупов ва Абдужаббор Абдураҳмоновлар деҳқонлар қурултойида уни «деҳқон шоири» деб эълон қилганликлари бежиз эмас. «Тўйиб-тўйиб ўпай сени ширин дўмбоғим...» ашуласи радиода жуда кўп айтиларди. Кейинчалик артистларимиз фронтларда «Бос, олға бос!» ашуласини кўп марта айтганлар. Уруш вақтида жасур аскарларимизнинг қаҳрамонликларини «Қизил Ўзбекистон» доимо тарғиб-ташвиқ қилиб турди.

Юсуфжон Ҳамдам жумҳуриятни беш қўлдай биларди, муҳарририят топшириқларини тез ва эпчиллик билан бажарар эди. Яхши мухбир бўлган. Мухбир сифатида қаерга бормасин эшик очиқ эди. Муомаласи ҳам зўр эдида. Меҳмондўст ҳам эди. Вилоятлардан келган қаламкашларни уйига таклиф қилади Чунончи, Асқад Мухтор Андижондан келганида уччаламиз бир кеча уникида шеърхонлик қилганмиз, юлдузлар сирлари билан танишганмиз. Ижодкорларни бир-бирига таништириш, одамларга қўлидан келганича яхшилик қилиш — «Қизил Ўзбекистон» ёш ходимларининг фазилатларидан эди. Буларнинг ичидан нушқурт чиқмади ҳисоб.

1941 йил кириб келди. Рўзноманинг 1 январь сони охирги саҳифасининг юқори чап томонида менинг «Йил» номли мақолам босилиб чиқди. Шуниси эътиборга сазоворки, урушдан аввал ҳам, кейин ҳам «Йил» номи билан мақола чиққан эмас. Мақола ичида расм берилган: СССР чегараси, аскар милтиқ ушлаб, Ватанимизни қўриқлаб турибди, кўзлари зийрак... Ҳа, бу йил уруш бошланадиган бўлиб чиқди.

Уруш бошланди. «Қизил Ўзбекистон»да бирдан иккита мақола берилди: биринчиси, уруш бошланганлиги ҳақида В. М. Молотовнинг баёноти, иккинчиси — Темур мақбарасини очиш бошланганлиги ҳақида рўзноманинг Самарқанддаги мухбири Ғиёс Ашуров мақоласи. Дарҳақиқат, профессор Қори Ниёзий раҳбарлигида Садриддин Айний, В. А. Шишкин, М. М. Герасимов, В. П. Шчеглов, Л. В. Ошанин ва бошқа археолог, тарихчи, астроном, антрополог уламо-фузалолар иштирокида Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбекларнинг жасадлари очиб кўрилди, қандай ўлган ва қўмилганликлари ҳақида дастлабки тафсилотлар берила бошланди.

Бу иккала воқеанинг биргаликда бўлиб қолганлигидан, муштарийлар, бинобарин, жумҳурият аҳолисининг маълум қисми Амир Темурни гўридан қўзғатиш урушга сабабчи бўлди, деб ҳам ўйлади.

«Қизил Ўзбекистон» — фронт газеталарига. Уруш бошлангандан кейин «Қизил Ўзбекистон»нинг вазифаси янада мураккаблашади, энди ўз саҳифаларида жумҳурият ички ҳаётини ёритиб туришдан ташқари мамлакатда ҳарбий вазият ва жанг майдонларидаги воқеалардан хабар бериб боришдек оғир вазифа юкланди. «Қизил Ўзбекистон» яна бир ватанпарварлик вазифасини амалга оширди: муҳарририят ходимларидан деярли барча фронт рўзномаларини кадр билан таъминлаб турди.

Мен бу соҳада ўз билганларимни айтмоқчиман: урушда 1-Украина фронтида қатнашганман. Уруш тамом бўлган кунни мен Германиянинг Заган шаҳридаги госпиталда кутиб олдим. Бир амаллаб кўчага чиқсам «Қизил Ўзбекистон»нинг собиқ мухбири Зиё Аминовни кўриб қолдим. У киши фронтимизнинг «Ватан шарафи учун» рўзномасида ҳарбий мухбир эканлар. Муҳарририятга олиб бордилар. Ходимларнинг ҳаммаси менга таниш экан: Рустам Абдураҳмонов (илгари «Қизил Ўзбекистон» муҳаррири эдилар, энди шу рўзноманинг муҳаррири — бу менга шу рўзномани фронтда ўқиганларимдан билардим), ҳарбий мухбирлар: Зиннат Фатхуллин, Тўлаган Соатий, Фотиҳ Қаюмов, машинистка, ҳарф терувчи аёллар. Уларнинг жанговар мақолалари аскарларимизни ғалабалар сари руҳлантирар эди.

Ғалаба кунини биргаликда кутиб олганимиздан бошимиз осмонга етди. Кўнгил очар суҳбатлар бўлди иш орасида. Битта нарса эсимда қолган: «Қизил Ўзбекистон»нинг бош муҳаррири вазифасида ишлаган Рустам ака айтиб қолдилар: «Мана, уруш тамом бўлди. Тошкентга борганимдан кейин фақат таржимон бўлиб ишлайман, Партия тарихи институтида». Менга қизиқ туйилди бу ният, Ахир, шундай забардаст раҳбар оддий таржимон бўлиб ишлайдими? Худди айтганларидай бўлиб чиқди. Яна қўшимча: «Ҳов, Фотиҳжон, сени ҳам ўзимга ёрдамчи қилиб оламан», дедилар. Бу ҳам рост бўлиб чиқди. Р. Абдураҳмонов ўзининг ажойиб таржимонлар мактабини қолдирди.

УРУШДАН КЕЙИН

Фронтларда ўйлаб юрардим: агар Тошкентга бориб қолсам, «Қизил Ўзбекистон»нинг уруш давридаги ҳамма сонларини қараб чиқаман. Худди шундай бўлди.

Тақдирнинг тақозоси билан мен «Қизил Ўзбекистон» муҳарририятига ишга чақирилдим.

Бу воқеа шундай бўлди. Урушдан олдин САГУда биз, студентларга фалсафа кафедрасининг мудири профессор Н. М. Мирошхина фалсафадан лекция ўқир, шу кафедра аспиранти Р. Саҳибоев семинар машғулотларини олиб борар эди. Рихси аканинг катта-катта мақолалари «Қизил Ўзбекистон»да чиқиб турар эди. Иккимиз дарс машғулотларидан ташқари гоҳо «Қизил Ўзбекистон» муҳарририятида учрашиб қолар эдик. Урушдан кейин у киши билан тасодифий учрашиб қолдик. «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг бош муҳаррири ўринбосари эканлигини айтдилар ва мени ишга таклиф этдилар. У кишининг ҳузурига келдим. Айтдилар: ёзиш-чизиш уруш даврида эсингдан чиқиб қолгандир, бир мухбирлик қилиб келгинчи, қанақа бўларкин, масалан САГУ олимлари пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қандай илмий тадқиқотларни бажаришяпти экан, шу ҳақда мақола ёзиб келчи. Мен, хўп, деб бу вазифани бажонидил бажардим. Қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Салоҳ Ҳасанга мақола маъқул бўлди ва тез орада рўзномада босилиб чиқди. Мақола босилиб чиққан кундан, яъни 1946 йил 5 июндан бошлаб адабий ходим лавозимига тайинландим. Асосан фан тарғиботи билан шуғулландим.

Р. Саҳибоев мени ишга олганида бош муҳаррир Сиддиқ Ражабов дам олишда эканлар. Аслида педагогика фанлари номзоди Сиддиқ акани урушдан аввал чиққан мақолаларидан танир эдим. Демак, мен тушундимки, муҳарририят раҳбарлигига мақолалар ёзиб юрган илм аҳлларидан Сиддиқ Ражабов, Рихси Саҳибоев, шунингдек, Баҳром Раҳмонов, Ҳамидулла Ҳасанов, Абдулла Олимжонов, Қаюм Ерзинлар чақирилган экан Бу яхши. Шу билан бирга тажрибали мутахассис журналистлардан Яхё Йўлдошев, Холбек Ёдгоров, Шораҳмат Шораҳмедов, Ҳабиб Нўъмон, Салоҳ Ҳасан, Мели Жўра, Шобарат Кузанбоев, Бобош Маҳмудов, Аҳмад Исмоилов каби етакчи ходимлари ишлар эди. Кейинроқ Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Абдураҳмон Ортиқов келиб қўшилишди. Ёзувчилардан Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Ўткир Рашид, Раҳмат Файзий, Иброҳим Раҳим, Мирзакалон Исмоилий рўзномани адабийлаштирар эдилар. Эҳ-ҳе, «Қизил Ўзбекистон» муҳарририяти бир олам эди! «Правда Востока» кўчасида бу икки қаватли бинода барча рўзномалар жойлашган эди. «Правда Востока»га В. Непомнин, С. Черник, «Ёш ленинчи»га Расул Муҳаммадий, Тўлаган Соатий, Асқад Мухтор, Тўғон Эрназар, «Ленин учқуни»га дастлаб, урушдан олдин шу рўзномада чиниққан фронтовик журналист Санжар Тилла, кейин эса шу кашшофлар рўзномасининг мухбирлигидан чиққан, 21 ёшли, келгусида жумҳурият болалари ва ўсмирлари рўзнома ва ойномаларига отахон бўлиб қоладиган Ғани Жаҳонгиров раҳбарлик қилар эдилар.

Менга юқорида тилга олинган истеъдодли журналистлар билан бирга ишлаш, ҳатто дўстлашиб қолиш насиб этди. Бу дўстлик, ижодий баҳслар, изланишлар кун сайин фикримнинг кенгайишига, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларга қаламкаш сифатида холис қарашга, уларни шу куннинг назари билан баҳолашга ва қоғозга туширишга ўргатди, десам янглишмаган бўламан. Айниқса, ҳар куни ёки кун аро бўладиган босилган мақолаларнинг таҳлили соатлари («летучка»лар) тўла маънодаги бир дорилфунун бўлган

Юқорида тилга олинган ва олинмаган журналистлар ҳақида, уларнинг ажойиб фазилатлари тўғрисида кўп гапириш мумкин. Лекин биз бу ерда уч фазилатга мисол келтирмоқчимиз. Биринчиси — тезкорлик ҳозиржавоблик. Иккинчиси — журналистнинг ёзувчилик истеъдодига эга бўлиши, Учинчиси — мақолаларнинг илмий руҳияти. Ҳамид Ғулом куннинг талабига жавоб берадиган саҳифаларни вилоятлардан тезкорлик билан тайёрлаб келар эди. Журналистнинг ёзувчилиги ҳақида бир нарсани эсладим. 1948 йили ёзувчилар союзида Саид Аҳмаднинг ижодига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. (28 ёшда эди!) Маърузани Ш. Рашидов қилди. Ёзувчилар союзининг раиси Ойбек ўз сўзида шундай деди:

«Бундан бир неча йил илгари бир бола келиб юрарди Союзга. Биз, шу бола бориб-бориб ё улуғ рассом бўлади, ёки зўр фотограф бўлади ёки буюк ёзувчи бўлади, деб ўйлар эдик. Айтганимиз рост бўлиб чиқди — Саид Аҳмад мана, бугун шундай ёзувчи». Шу мажлис жамоаси орасида Мирмуҳсин, Саида Зуннунова (ҳали Саид Аҳмад билан турмуш қуришмаган эди), Обид Акрамхўжаевлар ҳам бор эдилар. Журналистик мақолаларни илмий руҳ билан суғоришда Ҳамидулла Ҳасановдан зўри йўқ эди.

БИР МАҚОЛА ТАРИХИ

Рўзноманинг навбатдаги летучкасида бир ходим айтиб қолди: «Кеча бир «бой» катта тўй қилибди, мунча қўй сўйибди, мунча чопон кийгизибди. Ахир, ҳозирги қийинчилик замонида бу инсофданми? Мақола билан чиқиш керак, танбеҳини бериб қўйиш керак». Масала ҳал қилинди: мақолани ёзиш Кузанбоев билан менга топширилди. Биз Кузанбоев билан кетдик. Тўйхона олдидан ўтдик. Маҳалла комиссияси билан учрашдик. Маълум вақтдан кейин мақола ҳам тайёр бўлди. Мен мақола муаллифлигидан воз кечдим, чунки, менинг ҳиссам етарли бўлмади. Маъқуллашди ва айтишди: шундай катта долзарб мақола кичкина журналистлар номидан чиқадими, йўқ, катта бир ёзувчимиз номидан чиққани маъқул. Шундай ҳам бўлди. Яхшиям бизнинг номимиздан чиқмаган экан, кейин роса жанжал бўлди: гоҳ бир томон қамалади, гоҳо унга тескариси — иккинчи томон қамалади. Кейин ҳаммалари оқланиб кетди.

Бу воқеага роса қирқ етти йил бўлди. Энди бундай ўйлаб қарасам ўша «бой» ҳозир айтаётганимиз «ишбилармон», «уддабурон», «эпчил» кооперативчи экан. У ҳеч кимнинг ҳақини емаган, хиёнат қилмаган, ўғирлик билан шуғулланмаган. Бошқалардан фарқи, унинг бойлигининг сабаби шуки, у киши ҳаммадан олдин туриб кеч ётган, бошқалардан кўра кўп ва унумли ишлаган. Ишнинг кўзини билган; аҳолида сўйилиб турадиган қўй ва мол териларини йиғган (ҳозир кўпинча ташлаб юбориладн), оддий халқ технологиясидан фойдаланиб, аҳолига чарм-тери етказиб берган. Чиқиндидан этикмахси, пойафзал тайёрлаш усулини олға сурган. Шунинг билан бирга у ўз бола-чақалари, қариндош-уруғлари, маҳалла-куй бекорчиларини иш билан банд қилган, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, бинобарин улар орасида ишёқмас, текинхўр, безори, лақиллаб юрадиган одамлар бўлмаган. Ва ниҳоят топганини йиғиб, ўша қийинчилик даврида халққа ош берган экан (бошқалар, эҳтимол, бундай қилмагандир). Ўшандай серғайрат, уддабурон одамлар ҳозир, айниқса, керак бўлиб қолди. Бу хулосани мутлақ тўғри деб айтолмаймиз, лекин мулоҳазанинг жони борлиги аниқ.

ЭКСПЕРИМЕНТ: КОРРЕКТОРЛАР ЎҚИМАСИН

Уруш тамом бўлганига ҳам бир йилдан ошиб қолди. Маданиятга ҳам эътибор бермоқ вақти келди шекилли. Жумҳурият Маориф министрлиги ўзбек тили имлоси масалаларига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказажаги маълум бўлиб қолди. Муҳарриримиз С. Ражабов конференция олдидан бириккита мақола беришни маъқул топди. Икки мақола келиб тушди. Уларнинг муаллифлари етук мутахассислар эди. Муҳаррир уларнинг муаллифларига сизлар баъзан рўзномамиз тилини ва имлосини танқид қиладиган бўлиб қолдинглар, деди, Бу яхши. Энди тилшунос олимларга қўйиб берамиз: адабий ходимларимиз ва корректорларимиз мақолаларингиз имлосини «бузмаслиги» учун бошдан-охиригача ўзларингизнинг қўлингиздан чиқсин.

Мақолалар таҳрир қилинмади, корректорлар ўқимади. Бу вазифаларнинг ҳаммасини тилшунос муаллифлар ўзлари бажардилар мақолалар рўзномада олдинма-кейин босилиб чиқди.

[Давоми бор].

МУАЛЛИФНИ ТАНИШТИРАМИЗ: О. Файзуллаев 1921 йили Тошкентда туғилган. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ТошДД физика-математика факультетини битирган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофотининг соҳиби, профессор, Ўзбекистонда фалсафа фанлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг раиси. У Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими. Республикада тиббиёт фалсафаси илмий мактабини яратган. Халқаро илмий анжуманларда фаол қатнашган.

О. Файзуллаев «Ўзбекистон овози» рўзномасида 54 йилдан бери ўзининг илмий-публицистик мақолалари билан қатнашиб келмоқда, 1946—1948 йилларда шу газета таҳририятида адабий ходим бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Шоир таваллуди 90 йиллиги олдидан

УЛУҒ ИНСОН ҒАФУРНИНГ ТЕМАСИДИР

БУ ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ЎЗИ ТОМОНИДАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР БЎЛИБ, ЧИНДАН ҲАМ ШОИР ИЖОДИНИНГ ҚАЛБИ, МОҲИЯТИ ИНСОННИ ЎРГАНИШ, УНИ ҲИМОЯ ЭТИШ ВА УЛУҒЛАШДИР.

«Мен яҳудийман», «Сен етим эмассан», «Поль Робсонга» шеърларини оласизми ёки «Нетай», «Едгор», «Шум бола» қиссалари, «Менинг ўғримга болам» каби ҳикояларини оласизми — ҳаммасида Ҳазрати инсонни ҳимоя этади. Худди шу билан боғлиқ яна бир улуғ туйғу бор эди. Бу — орзу-армонга айланиб кетган эрк туйғуси бўлиб, бу туйғу Ғафур Ғулом қалбининг энг тўридан ўрин олган эди. Улуғ Навоийни таърифлагандаги «қалби озод шер» жумласида энг аввало, Ғафур Ғуломнинг тилаги ётмади деб ким айта олади?! Ёки «Қадрловчи озодликни, Ватанни, эркни, осон эмас бўйсундириш ёвқур ўзбекни» деяр экан ва «Инсон учун ҳамма эҳтиёжлардан эрк баланд ва гўзалдир», деганда ўткир киноя, ишоралар йўқми!? Ғафур Ғулом жамиятда тугал амалга ошмаган ёки йўқ нарсаларни бор, деб туриб ҳам ўз армонларини, аламларини изҳор қилмас эдими! Шоирнинг ушбу мисралари замирида замонига ва аллакимларга қочириқ ётмаяптими:

Оталардан мерос қолган бир эски матал:
«Ўз бошига бало топар қиз бўлса гўзал».
Ватанимиз гўзаллиги бўлди бир бало,
Унга хўжа бўлмоқ бўлди ҳар кўзи ола.

Бир республикани иккинчисидан юқори қўйиш ёки ўз Ватанини улуғлаш мумкин бўлмаган, рус халқини улуғ оға ва қолган миллатларни ука, деган қараш қонун даражасига кўтарилган бир пайтларда, ҳатто ўз Ватанини улуғлаганларни миллатчиликда айблаб, қатл этилган замонда Ғафур Ғуломнинг Ўзбекистонни, ўзбек халқини, унинг асрий тарихи, улуғ кишиларини бор овоз билан шарафлаши («Шараф қўлёзмаси» шеърини эсланг), ўзбекларни ўзлигини танишга даъват этиши ва унинг ғурурини баланд пардаларда куйлаши бир жасорат эди. Ғафур Ғулом шахс сифатида ғоят йирик ва ёрқин эди, ўзбекнинг бир рамзига айланиб кетган эди. Ушбу сатрларни битаётган камина 1954 йилдан буён то шоирнинг сўнгги кунларигача у билан тез-тез ҳамсуҳбат бўлган. Мен у кишига шогирд бўлдим, унинг тўғрисида «Шоир ва замонавийлик», «Ғафур Ғулом прозаси», «Услуб жилолари» деган монографиялар ёздим. Шу жараёнда унинг шахсиятини намойиш қилувчи талай воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Шулардан баъзиларини ҳикоя қилиш орқали, мақола бошида айтилган мулоҳазаларни, яъни бу улкан ижодкорга хос фазилатлардан баъзиларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

«БИР САБАБ ИЗЛАЙДИ ШЕЪР АЙТГАН ҲАР КИМ»

Бир учрашув охирида тўртинчи курс студентларидан чиройли қиз шоирни тингловчилар номидан қутлаб, гулдаста тақдим этди. Бир кун ўтиб, вилоят рўзномасида Ғафур Ғуломнинг «Фарғона учун» шеъри босилиб чиқди. Унда «Шеъримга бир қиз баҳона» деган жумла ҳам бор. Ғафур Ғулом ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича доим ўқланган милтиқдай тайёр турар эди, бир туртки топилса, ўша пайтдаёқ гўзал, мукаммал бир асар туғилар эди. У водийни, Фарғонани ғоят севар эди. Тошкентда жиндай сиқилиб қолса ёки водийда бирор маросим бўлса — баҳона топилса, дарров у томонга равона бўлар эди. Фарғонани куйлашга шоир руҳий тайёр эди ва шу туфайли ҳалиги қиз бир туртки бўлди. «Ўша фарғоналик отинчахон қиз кўзгуда акс этган гўзал Фарғона»га айланди-қўйди шоир тасаввурида. Ахир «Сен етим эмассан» шеъридек шоҳ асарнинг дунёга келишига Ғафур Ғулом етимликни ўз бошидан кечирган, етимларни интернатга йиққани, ўзи мудирлик қилгани сабаб-да. «Укаларимизни унутмайлик» деган мақола ёзиб, етимларга меҳр-шафқатли бўлишга даъват этди. «Нетай», «Едгор» қиссаларида, «Кимсаной тўғрисида беш қўшиқ» очеркида етимларни ота-онадек бағрига олди. Ғафур Ғулом халқ дарди ва дунё ташвиши билан яшар эди, ва шу туфайли кўп инсоний дард, ташвишлар учун доим рухий тайёр турар, бир тасодифий туртки туфайли зўр асар ёзар эди.

«УЗЛАРИНГ ҲАМ ЁЗ-ДА!»

Ғафур Ғулом руҳий тайёр бўлмаган, ўзи юракдан истамаган пайтда, демак редакциянинг закази билан шеър ёзганда «календарь» шеър ёзар эди. Ғафур Ғуломдек улкан шоирнинг шеъри билан рўзнома чиқаришни муҳаррирлар ва рўзнома ходимлари жуда-жуда ҳоҳлар эдилар. Юртда бирор сиёсий воқеа юз бераётган бўлса, албатта, Ғафур Ғуломдан шеър ёки бирор гап ундириб олиш пайида бўлар эдилар. Масалан, инқилоб йиллиги муносабати билан Ғафур Ғуломдан ҳар йили шеър олишар эди. Булар ичида (улар ўндан ортиқ) воқеа бўладигани кам эди. Ғафур ака ўзлари ҳам бундай ишдан юраги безиллаб қолган эди. Бир куни икkаламиз суҳбатлашиб ўтирган эдик, қайсидир газетадан бир йигит келиб, шеър ёзиб берасиз, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Ғафур аканинг ҳеч ёзгиси келмади. У қисташини қўймади. Шунда жаҳл билан: «Ўттиз йилдан буён ёзаман. Ўзларинг ҳам ёз-да!» — деб жеркиб берди ва қўли билан тамом, кетавер, ёзмайман, деган ишорани қилди.

«ГАГАРИН ҚАЧОН УЧГАН ЭДИ!»

Редакциялар, илмий анжуманлар Ғафур акани ҳеч ўз ҳолига қўймас эди. Шаҳарда бир кунда икки ё учта мажлис бўлса, ҳаммаси Ғафур акани иштирок қилдиришга ҳаракат қиларди. Бечора Ғафур ака бирида мажлиснинг бошланишида, иккинчисида ўртасида, учинчисида охирида қатнашишга зўрға улгурар эди. Буни тушунмаган баъзи одамлар «Ғафур аканинг мажлисга тоқати йўқ, шунинг учун кетиб қолдилар ёки кеч келадилар», деяр эди. Шу одамларнинг қистови туфайли бирор нарса ёзишга ўйлаш учун ҳам вақт тополмай қолар, шунда бошқа шоирлар номидан ўзи мисралар тўқиб юборар ёки қутулиш учун ҳаёлига келган бир жавобни айтиб юборган вақтлари ҳам бўлган (Фурқат номидан тўқиган бир тўртлигини эслаш мумкин).

Ғафур ака «Шум бола»нинг давомини ёздилар. Мен дарров «Шум бола»нинг иккинчи туғилиши» деган мақола ёздим, уни газетага бериш олдидан, «Ғафур ака шу қўшилган бобларнинг баъзилари илгари эълон қилинмаганми-ди?» — деб сўрадим. Шундай деб эшитган эдиму, «Шум»нинг ўша сонларини тополмаган эдим. Ғафур ака «Йўқ, ҳаммаси янги», дедилар. Мақола чиққан куни эрталаб, адабиётчилардан кимдир уни ўқиб, баъзилари «Аввал «Муштум»да чиққан эди», деб қолди. Шу пайт Ғафур ака бизнинг ишхонага келиб қолдилар (бизда катта илмий ходим бўлиб ишлар эдилар ҳам). Дарров «Домла, нега алдадингиз? Айримлари аввал чиққан эди-ку?!», деб беихтиёр уни айбдор қилишди. Шунда кулиб: «Қўявер, уни кўпчилик билмайди, эсиз ҳам латифанома ишлар, қилиқларни кўп қилар, айниқса ўз тенгдошлари, қасбдошларини ичак узди кулгили ҳолатларга солар эди. Бу борада у жуда эрка эди, эркалиги ўзига ярашарди. Аскиячиликнинг макони Фарғона водийси эди. Аммо Ғафур ака аскияда ҳеч кимдан енгилмаган — кураги ерга тегмаган, «Шум бола»даги кўп ҳолатлар Ғафур аканинг бошидан кечирган, ўзи ҳам шундай шумликлар қилган. «Бизнинг ўйга қўниб ўтинг, дўстларим...» шеърида

— Ие, ҳамшаҳар эканмиз-ку! — дедилар. Мен Ғафур аканинг Тошкентда туғилганларини билар эдим. Ҳайрон бўлиб оғзим очилиб қолган бўлса керак, домла буни фаҳмлаб:

— Келин аянг қўқонлик бўлганидан кейин, мен ҳам қўқонлик бўламан-да, — дедилар. Жиндай енгил тортдим. Кейин меҳрибонларча оҳангда:

— Энди биз ота-бола бўлдик. Бир-биримизни алдамаймиз, — дедилар.

«ФОЛ КЎРИБ ҚЎЯЙМИ!»

Ғафур аканинг иш столи устида доим Бедилнинг куллиёти турар эди. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида Фитратдан кейин Бедилни Ғафур Ғуломдек чуқур ва нозик тушунадиган ёзувчи йўқ. Бедил ўзигача бўлган ҳамма фанларни — аниқ ва ижтимоий фанларни яхши билган шахс бўлиб, образлари ғоят кенг, ранг-барангдир. Унинг ҳар бир шеъридаги ўндан ортиқ маънони англаб етиш учун шу шоирга ўхшаб кенг билимли, мутафаккир бўлиш керак эди. Ғафур Ғулом шеъриятидаги кўлам кенглиги, фалсафий чуқурлик ва тарихий воқеалар, шахслар, нақллар, афсоналарнинг образга тортилишида Бедилнинг таъсири ёрқин кўринади. «Поль Робсон» шеърини тўла идрок этиш учун унда ишлатилган Хом, Сом, Ёфас афсоналари-ю Гарлем маҳалласи, Геббельс, Форрестол, Линч суди каби шахс ва воқеаларни яхши билиш лозим бўлади. Бир куни Ғафур ака билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, бирдан: «Фол кўриб қўяйми? Кўзингни юмда, истаган бетини оч!» — деди Бедил қулиётини олдимга суриб қўйиб. Ўртасидан очиб, кўрсаткич бармоғимни бир ерга босдим. Ғафур ака:

— Қўлингни олмасдан кўзингни оч!, — дедилар. Очдим. Ўша жойни ўқиб, мазмунини ўзбекчалаб айтиб, талқин қилиб бердилар.

— Вақт ғанимат, гарчанд баҳор ҳар йили келса ҳам, у бир-бирининг такрори эмас. Фурсатнинг қадрига етиш лозим. Шунда инсонга бахт ёр бўлади. Укам, тақдиринг ўз қўлингда. Келажагинг яхши бўлади, — дедилар. Афсуски, бу тўртликнинг форсчасини ёзиб олиш ўша пайтда сира ҳам хаёлга келмаган эди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

«БИЗ РЎЗНОМАНГИЗНИ СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ»

САМАРҚАНДДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Театр майдонида ўтказилган бу мусобақада ўндан зиёд республика чемпионлари, таниқли спортчилар, умуман 250 нафар киши иштирок этди. Эрталабданоқ карнай-сурнай садолари самарқандликларни мусобақа марказига чорлади. Тадбирнинг бошланишида тантанали митинг бўлди.

Мусобақа ташаббускори — Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Райимжон Юсупов ҳамда рўзноманинг вилоят бўйича мухбири Ф. Тошевлар тўпланганларни «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги муносабати билан табриклаб, спортчиларга омад тиладилар.



Биринчи тоифадаги ҳакам Азиз Мамедов беллашувга старт берди. Йигит ва қизлар 10 хил масофа бўйича югурдилар. Якуний натижаларга кўра Темирйўл райони биринчи ўринга кўтарилди. Сиёб ва Боғишамол районлари кейинги совринли ўринларни эгалладилар. Шахсий ҳисобда М. Петрова, В. Зеленский, А. Ҳошимов, Д. Ҳасанова, О. Юртоева, Д. Сорокин ғолибликни қўлга киритдилар.

Мусобақанинг фахрийси 62 ёшли Юрий Жилкин ва энг ёш қатнашчиси 9 ёшли Эвелина Мамедовага алоҳида совринлар берилди. Ғолиб жамоа ва спортчилар Самарқанд шаҳар партия Кенгашининг дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

— Биз рўзномангизни севиб ўқиймиз, — дейишди санъат билим юрти талабалари. — Шу боис бугунги мусобақада фаол қатнашдик. Фақат бундан кейин талабалар ҳаётидан қизиқарли мақолалар бериб боришларингизни илтимос қиламиз.

Ушбу мусобақани уюштирган ва юксак савияда ўтказган Самарқанд шаҳар партия Кенгаши, Макаренко номли педагогика билим юрти, олимпиада резервлари мактаби, шаҳар спорт комитети жамоаларига таҳририятимиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

ХАРЧИНОМА

ZAMAN—Ўзбекистон
газетаси билан
Тошкент Молия институти
Сизни
БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШ
мавзуидаги I халқаро симпозиумга
таклиф этади.

Анжуман 13-14 май кунлари "Кино уйи"да бўлади.
Очилиш маросими — 13 май соат 8[30]да.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур районидаги 157-сон ўрта мактабнинг 9-а синф ўқувчиси Ҳамидов Дилшод Шамсиддинович номига 1992 йил 16 июнда берилган А № 090947 номерли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси жамоаси собиқ Бош муҳаррир

Алишер Исломович ШОҒУЛОМОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» концерни Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директори И. Ш. Шоғуломовга ва Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат комитети раиси Р. Ш. Шоғуломовга фарзандлари:

Алишер ва Эркин ШОҒУЛОМОВларнинг

фожиали ҳалок бўлганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни жамоаси «Назарий механика» тахсилгоҳи профессори Р. Ж. Худойбердиевга онаси

Норбиби ЖУРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

F. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тошкентнинг халқ фожиаси ва дард-алами

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Бу тамойиллар айниқса зиёлилар ўртасида авж олиб кетди. Ҳокимиятнинг юқори поғоналарига чиқиб ўрнашиб олган ҳамюртлари уларнинг бу интилишларини доимий равишда қўллаб-қувватлаб турдилар. Бу билан улар ўзларининг ҳам позицияларини мустаҳкамлаб олиш умидида эдилар. К. Маҳкамовнинг кадрларни бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказиш орқали бундай тазйиқни бўшаштириш йўлидаги суст уринишлари кутилган натижани бермади. Аксинча ўзларини камситилган деб ҳис қилган жанубликлар бундай доимий адолатсизликдан норози бўла бошладилар. Натижада шимол билан жануб ўртасидаги қарама-қаршилик камайиш ўрнига тобора кучайиб борди. Ўшандан, тўқсонинчи йилнинг февралида қонли тўқнашувларнинг олдини олиб қолишга муваффақ бўлинган эди. Бироқ муҳолафат маҳфий ишлаш шароитига кўчди, ўз сафларини қайтадан тузди, янги стратегия ишлаб чиқди. Бунда аниқ мақсад — ҳокимиятни эгаллаб олиш мақсади белгилаб олинган эди!

Бу даврга келиб Тожикистонда бир қанча қудратли сиёсий партиялар ва ҳаракатлар шаклланиб қолди. «Растохез» деб аталган миллий маданият, тил ва анъаналарни қайта тиклашни ўзига шиор қилиб олган ҳаракат ана шуларнинг бири эди. У асосан ёш зиёлиларни ўз сафларида бирлаштирганди. Худди мана шу ҳаракатнинг етакчилари Бухоро ва Самарқанд худудларининг кимга қарашли эканлиги тўғрисидаги масалани фаол кўтариб чиқа бошладилар, улар бу шаҳарлар аслида тожикларга тегишли жойлар бўлиши керак деган фикрни билдирдилар. Тожикистон демократик партияси ҳуқуқий демократик дунёвий давлатни тузиш шиори остида чиқди. Ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун бу партия қаттиққўллик ва зўравонлик сиёсатини-қўллашни рад этди. Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида яшайдиган аҳоли «Лаъли-Бадахшон» деган ҳаракат байроғи остида чиқди. Уларнинг сиёсий мақсадлари жуда аниқ бўлиб, Тожикистон раҳбариятида юқори лавозимларни эгаллаш учун кураш олиб боришдан иборат эди. Мана шу партиялар ва ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам давлат томонидан расмий мақомга эга бўлганди. Бироқ ана шу сиёсий ташкилотларнинг ҳар бири Ислом уйғониш партияси (ИУП)нинг кучли таъсири остида эди. Ислом уйғониш партиясининг рўйхатдан ўтказилишига К. Маҳкамов ўз вақтида қатъиян қарши чиққанди. Кўп сонли аъзоларига ва жуда катта молиявий маблағга эга бўлган ИУП ўз олдига фақат битта вазифа — Эрон тимсолидаги ислом давлатини тузиш вазифасини қўйган эди.

13.

ССРнинг парчаланиб кетиши Тожикистондаги сиёсий муҳитга айниқса кучли таъсир кўрсатди. 1991 йил август ойига келиб Қ. Маҳкамов ГКЧПни қўллаб-қувватлашда «айбланади» ва у Президент лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Ана энди муҳолафатда ҳокимиятни эгаллаб олиш учун реал имкониятлар пайдо бўлади. Лекин уларга энди етакчи зарур эди. Бу етакчи бетараф одам бўлиши керак эди. Бундан ташқари, бошқа яна бир муҳим шартга ҳам риоя қилиш керак бўларди — ҳокимиятнинг энг юқори лавозимини республика шимолидан чиққан киши анъана бўйича эгаллаши зарур эди. Улар бу лавозимга Раҳмон Набиевни танлайдилар. Етакчи партия ва ҳаракатларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли у республика Олий Кенгаши ноиби этиб сайланади. Оммавий ахборот воситалари уни Тожикистоннинг тўла мустақиллиги учун, унинг халқи фаровонлиги учун кураш олиб бораётган шахс қиёфасини яратишга фаол киришиб кетадилар. Барча мақолаларда иродасиз К. Маҳкамовнинг ўрнига кучли Р. Набиев раҳбар бўлиши керак деган аниқ бир фикр ифода этилар эди. Шубҳасиз қозият ва Ислом уйғониш партияси Набиевга жиддий мадад бериб, уни қўллаб-қувватлаб турдилар. Ўтиш даврида Р. Набиев бу партияларга маъқул келарди. Ўша вақтдаёқ бир нарса ҳаммага аён эди: Набиев Тожикистонни қайтадан қуришга киришган кишилар учун — бир восита холос. У фақат ўтиш давридагина раҳбар киши ролини ўйнаши ва ундан кейин раҳбарликдан кетиши керак эди.

Бироқ мақсад қўлга киритилган заҳоти ва Қ. Маҳкамов Президент ваколатларини ўзидан соқит қилиши билан муҳолифат Р. Набиевдан ҳам юз ўгирди. Бу билан у гўё «бу ерда ким хўжайинлигини», ҳақиқатда ҳокимиятга ким бошчилик қилаётганлигини унга кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Ислом уйғониш партиясини рўйхатдан ўтказишга ёрдам кўрсатиб, Р. Набиев ўз ролини бажариб бўлган эди. Энди сиёсий чўққига чиқиб олиш учун йўл очиқ эди. Лекин барибир ақидапарастлар парламентни «енгиш»га муваффақ бўла олмадилар. Ўшанда парламентга раҳбарлик ўрнини Раҳмон Набиев эгаллади. Ўша заҳоти Душанбе шаҳрининг майдонларида митинглар ташкил этилади. Бунинг устига худди команда берилгандек, аслида ҳам шундай бўлган эди, — шаҳарда олис қишлоқлардан олиб келинган одамларни жойлаштириш учун палатка тикиб шаҳарчалар вужудга келтирилади. Бу иш қанчалик яхши уюштирилганлигини қуйидаги фактдан ҳам аниқ кўрса бўлади: ҳар бир районнинг «командалари» майдонда фақат ўзлари учун белгилаб қўйилган аниқ жойни эгаллагандилар.

Р. Набиев нима учун муҳолифатга ёқмай қолдийкин? — деган савол туғилади. Бу саволнинг жавоби сиёсий кучларнинг жойлашишида яширинган эди.

У — шимоллик эди, у ерда эса ақидапарастлик ғояларининг таъсири унчалик кучли эмасди. Тараққиётнинг эрончa йўлидан бориш истиқболлари, Афғонистон, Эрон билан иттифоққа кириш ленинободликларда асосли равишда ташвиш туғдирмоқда эди. Бу ерда худди шахматдаги потга ўхшаш бир вазият вужудга келиб қолган эди. Ушбу вазиятни бартараф қилиш учун Россия раҳбариятининг топшириғига биноан А. Собчак билан Е. Велихов тоғли республика пойтахтига келадилар. Ҳозир орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин, бехато айтиш мумкинки, уларнинг «тинчликсеварлик сафари» акс таъсир кўрсатди, улар бу ерда рўй берган вазиятни тушуниб ета ва уни ҳал қила олмадилар. Россия Президентининг вакиллари асосан муҳолифатни қўллаб-қувватлаб чиқдилар, уни коммунистларга қарши курашда фаол демократик ҳаракат деб билдилар. Ақидапарастларнинг тарафдорлари бундан тезда фойдаландилар. Улар А. Собчак ва Е. Велиховнинг баёнотларидан ўзларига керакли бўлган, ўз позицияларини мустаҳкамлайдиган жойларини «юлиб олиб», фаол тарғибот ишларини авжга миндирдилар. Бу тарғибот: Россия бизнинг тарафимизда: — деган бирдан-бир маънони англатарди.

Бу сафар олий лавозимга Олий Кенгаш раисининг ўринбосари, Тоғли Бадахшон мухтор вилояти кенгашининг раиси Акбаршо Искандаровни сайлаш мўлжалланди. Ақидапарастлар эса бу билан мағрур жангари помирликлар сиймосида келажакка ўзлари учун ишончли таянчга эга бўлиш истагида эдилар.

Тожикистон Президенти сайловлари олдидан кучлар тақсимоти мана шу таҳлитда эди.

Олий сиёсий ҳокимият учун кураш марофонида Тожикистонда анча ном чиққан яна бир киши — Давлат Худоназаровга ҳам сезиларли роль ажратилган эди. Таниқли кинорежиссёр, собиқ СССР халқ ноиби, Россиянинг ҳозирги жуда кўп раҳбарлари бир вақтлар аъзо бўлган минтақалараро ноиблар гуруҳининг аъзоси бўлган бу киши


15.

ўз ватанида принципиал ва куч-ғайратли жамоат арбоби қиёфасида кўринишга ҳаракат қилар эди. Марказий, кейинчалик Россия оммавий ахборот воситалари ҳам бу ишда унга кўп жиҳатдан кўмаклашдилар. Бўлиб ўтган воқеалар тафсилотига қараганда, бунда унинг СССР кинематографчилар Уюшмасининг Раиси лавозимига сайланиши ҳам катта роль ўйнаган. Тожикистондаги сайлов олди компанияси давомида бу арбоб илгари каттагина «коммунистик тажриба»га эга бўлган Р. Набиевга доимий равишда қарама-қарши қўйиб келинди.

Хўш, Д. Худоназаров Тожикистон раҳбари бўла олар эдими? Бунга ишониш қийин! Чунки у бир қанча тактик хатоларга йўл қўйди. Асли Помирдан чиққан Худоназаров Ислом уйғониш партиясининг раҳнамолигидан фойдаланди, бинобарин жанубликларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланиб турди. Ундаги ўз кучига ортиқ даражада ишонч, шимолнинг таъсирига етарлича баҳо бера билмаслик, кўзга кўринган раҳбар шахсларига ишониб ўрганган асосий тожиклар оммасининг фикри билан ҳисоблашмаслик. 1991 йил 24 ноябрида унинг Тожикистон Президенти кабинетини эгаллашига имкон бермади. Мустақил давлатнинг бошлиғи бўлиши учун унинг ўтган йилги иккинчи бор уриниши ҳам муваффақиятсиз чиқди. Июль ойида Д. Худоназаровнинг ҳаётига суиқасд қилинади. Юк автомобили унинг енгил машинасига келиб урилади. Лекин бахтли тасодиф туфайли у ўша куни машина ичида йўқ эди.

Ушбу суиқасд тўғрисида икки хил тахмин бор. Биринчиси — бу ишни ИУПнинг жангарилари уюштирган деган тахмин, чунки улар учун демократик кайфиятдаги иттифоқдошлари ўз ролини ўйнаб бўлган ва энди ортиқча юк бўлиб қолганди. Иккинчиси, бу фалокат Худоназаровнинг тарафдорлари томонидан уюштирилган, чунки сайлов олди кураши мобайнида улар бу ишни Худоназаровнинг сиёсий обрўйини кўтариш мақсадида кўзлаб қилганлар, деган тахмин ҳам бор. Сирасини айтганда бу Россияда ва ундан бошқа жойларда ҳам жуда пухта ишлаб чиқилган усул эди...

16.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79;
Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.
Нукусда — 2-42-62;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 165.896 нусха
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00.
Г—221. № 81.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 122456.